

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВАЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 338 431 57 51

САПАЕВ АХМЕД ДУРДИБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АГРАР СИЁСАТИ:
МУАММОЛАРИ ВА ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИ**

Ихтисослик: 5А340401-“Бизнесни бошқариш”

Иқтисодиёт магистри академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Урганч – 2012 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I-БОБ. ДАВЛАТ АГРАР СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИКИШНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Давлат аграр сиёсатини ишлаб чиқишнинг илмий ва назарий асослари
- 1.2. Иқтисодий таркибий ўзгартириш шароитида аграр сиёсатнинг устивор йўналишлари
- 1.3. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг шарт-шароитлари

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АГРАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатини амалга ошириш мақсади ва вазифалари
- 2.2. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг асосий йўналишлари
- 2.3. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигини таркибий қайта қуриш ва модернизациялаш

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 3.1. Республикада фермер хўжаликларини қўллаб қувватлаш тизими
- 3.2. Жахон молиявий – иқтисодий инқирозининг оқибатларини юмшатиш шароитида қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш вазифалари
- 3.3. Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки масала иқтисодиётни тезроқ барқарорлаштириш ҳисобланади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида бозорларни тўғри ташкил қилиш ва аграр сиёсатни тўғри олиб бормасдан иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди.

Аграр сиёсат маълум бир мустақилликларга эга ва у фаол тарзда аграр иқтисодиётга таъсир кўрсатиб боради. Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга таъсири одатда икки хил бўлади: у ривожланишни ёки тезлаштиради, ёки секинлаштиради. Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга ижобий таъсири илмий асосланган сиёсат бўлгандагина билинади.

Аграр иқтисодиёт ва аграр сиёсатнинг ўзаро алоқадорлигини ёки бирининг иккинчисидан айна ҳолатда устунлигини сиёсий ёки хўжалик йўналишидаги масала биринчи қўйилаётганлиги билан ажратиб олиш мумкин.

Аграр сиёсат - иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ хўжалик соҳаларини қамраб олади. Аграр сиёсатни давлатнинг аграр иқтисодиёт доирасида ҳаракатга келтириладиган жараёнлар шакли ва методлари кўринишидаги фаолияти деб ҳам тушуниш мумкин. Аграр сиёсат ўзида қишлоқ аҳолисини моддий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини шакллантирадиган давлат фаолиятини қамраб олади.

Аграр сиёсат базасида аграр қонунчилик ва аграр таркиб шаклланади. Аграр қонунчилик - қишлоқ хўжалигида ва қишлоқ аҳолиси ҳаёти билан боғлиқ ҳолда амалга ошаётган жараёнларга таъсир ўтказадиган ҳуқуқий меъёрлардир.

Аграр сиёсатнинг асосий вазифаси – аграр соҳадаги жараён ва қарашларни акс эттирибгина қолмасдан, балки кишиларнинг шу соҳадаги қарашлари, жараёнлари ва қонунлари тизимидаги фаолиятини очиб беришдир.

Аграр сиёсатнинг бошқа бир муҳим вазифаларидан бири аграр қонунчиликка таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Аграр соҳада бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида давлат, биринчи навбатда, аграр бозордаги ишлаб чиқарувчилар ва истъемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини қўяди. Иқтисодий фаолият бир меъёрда кетиши учун фаолият кўрсатувчи субъектлар қонуний ҳимоя қилинган бўлиши керак. Аввало, хўжалик юритувчиларнинг ерга нисбатан ва мулкка нисбатан фаолиятларини эркин бўлишига эришиш лозим. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига мулк ҳуқуқини кафолатлайдиган аграр қонунчилик зарур.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари М.Баккет, М.Кемпбелл, С.Брю, А.Г.Михеев, Й.Свинен, Ч.Макурс, С.Б.Ошивен, С.О.Сиптица, О.С.Пчелинцев каби хорижий олимлар томонидан таҳлил қилинган¹.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш масалалари А.Жўраев, Ф.Назарова, У.Нигмаджанов, А.Қодиров, У.Умурзоқов, Ч.Муродов, Р.Хусанов, И.Хушматов, К.Чориев, Т.Фармоновлар томонидан ўрганилган².

¹ Баккет М. Фермерское производства. Организация, управление, анализ. М.: Агропром издат., 1989.-с.192.

² Чориев К.А. Использование экономической оценки аграрных ресурсов в хозяйственном механизме.- Т.: Фан, 1994. – с.56.

⁴ Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ (на примере Хорезмской обл.): Автореф. дис. докт. эконом. наук. Т.: 1998. – с. 40.: Султанов Б.Ф. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқни иқтисодий – ижтимоий ривожлантириш истикболлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.: 2001. –б. 24 .: Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развитие агропромышленного производства в условиях либерализации экономики. Автореферат докт. дисс. Т.: 2003. – с. 42 .:

Ўзбекистонлик олимлар томонидан агросаноат мажмуаси ҳудудлари ва тармоқларининг ўзаро таъсири муаммолари ўрганилишига Б.Рузметов, Б.Султанов, Ф.Эгамбердиев И.Трушинлар илмий ишлари бағишланган бўлса, К.К.Бектемировнинг номзодлик диссертациясида эса Қорақалпоғистон Республикаси табиий-ресурслари салоҳиятини таҳлил этиш ва уни барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Б.Султоновнинг илмий ишида қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, З.Муйдиновнинг илмий тадқиқотида эса, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишида Ўзбекистонда аграр сиёсатнинг муаммолари ва ислоҳотлари жарёнини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун тадқиқот олдида қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Давлат аграр сиёсатини ишлаб чиқишнинг илмий ва назарий асослари изоҳлаб бериш;
- Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш шароитида аграр сиёсатнинг устивор йўналишларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг шарт-шароитларини кўрсатиб бериш;
- Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатини амалга ошириш мақсади ва вазифалари аниқлаш;
- “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг асосий йўналишлари таҳлил қилиш;

Трушин И.Ф. Реформирование земельно – водных отношений как условие экономического роста. Автореф.. док. дис. Т.: 1997.-с. 40 .: Бектемиров К.К. Обеспечение развития региона в условиях экологической напряженности (на примере Республики Каракалпакстан). Автореф.. док. дис. Т.: 2008.-с. 47 .: Муйдинов З.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.: 2006.- б. 28.

- Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигини таркибий қайта қуриш ва модернизациялаш йўналишларини аниқлаб бериш;
- Республикада фермер хўжаликларини қўллаб қувватлаш тизимини таҳлил қилиб бериш;
- Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари аниқлаш.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар иқтисодиёт аграр секторининг барқарор ривожланишини шакллантиришга муайян ҳисса қўшади, уни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш, аграр соҳа фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш имконини беради. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртларида “Фермер хўжалиги иқтисодиёти”, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий натижалари давлат ва вилоят ҳокимлиги томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, минтақа ижтимоий - иқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва олиб борилаётган аграр сиёсатнинг ҳозирги кундаги хусусиятлари ва муаммоларини таҳлил қилиш, шу жумладан сўровнома ёрдамида таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг объекти қилиб Ўзбекистонда олиб борилаётган аграр сиёсатнинг муаммолари ва ислоҳот жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Ўзбекистонда олиб борилаётган аграр сиёсатни таъминлаш жараёнида содир бўлаётган иқтисодий муносабатлар олинган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш шароитида аграр сиёсатнинг устивор йўналишларини аниқлаб бериш;
- Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатини амалга ошириш мақсади ва вазифалари такомиллаштириш йўналишларини белгилаб бериш;
- Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигини таркибий қайта қуриш ва модернизациялашга қаратилган минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;
- Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб бериш.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар, --- та жадвал ва ---- та расмдан иборат. Диссертация матни 121 бетни ташкил этади.

1-БОБ. ДАВЛАТ АГРАР СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИКИШНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Давлат аграр сиёсатини ишлаб чиқишнинг илмий ва назарий асослари

Аграр сиёсат - иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ хўжалик соҳаларини қамраб олади. Аграр сиёсатни давлатнинг аграр иқтисодиёт доирасида ҳаракатга келтириладиган жараёнлар шакли ва методлари кўринишидаги фаолияти деб ҳам тушуниш мумкин. Аграр сиёсат ўзида қишлоқ аҳолисини моддий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини шакллантирадиган давлат фаолиятини қамраб олади. Аграр сиёсатнинг асосий соҳалари қуйидагилардир:



Аграр сиёсат базасида аграр қонунчилик ва аграр таркиб шаклланади. Аграр қонунчилик - қишлоқ хўжалигида ва қишлоқ аҳолиси ҳаёти билан боғлиқ ҳолда амалга ошаётган жараёнларга таъсир ўтказадиган ҳуқуқий меъёрлардир. Аграр қонунчиликнинг муҳим соҳаларига қуйидагилар киради:



Аграр сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири сифатида аграр қонунчиликка таъсир ўтказиш, у орқали ер ва ер билан ишловчиларнинг манфаатини кўзлаб иш олиб бориш ҳисобланади.

Аграр таркиб - мамлакат ривожланиши билан боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалигини табиий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг натижасидир. Аграр таркиб - аграр қонунчиликка асосланган, қишлоқ хўжалиги ривожланиши, аҳолининг яшаш ва ишлаш шароити хусусиятлари ҳисобга олинган, ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ аграр соҳанинг иқтисодий, техник ва ижтимоий элементлари йиғиндисидир. У мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Аграр сиёсатнинг асосида аграр бозор ётади. Аграр бозор аграр сиёсатни ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчи манфаатларига мос амалга оширилишига ёрдам қилади. Қишлоқ хўжалик бозорлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун зарур бўладиган омиллар, ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчилар манфаатларини бирлаштирадиган иқтисодий воситадир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки масала иқтисодиётни тезроқ барқарорлаштириш ҳисобланади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида бозорларни тўғри ташкил қилиш ва аграр сиёсатни тўғри олиб бормасдан иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди.

Аграр сиёсат маълум бир мустақилликларга эга ва у фаол тарзда аграр иқтисодиётга таъсир кўрсатиб боради. Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга таъсири одатда икки хил бўлади: у ривожланишни ёки тезлаштиради, ёки секинлаштиради. Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга ижобий таъсири илмий асосланган сиёсат бўлгандагина билинади.

Аграр иқтисодиёт ва аграр сиёсатнинг ўзаро алоқадорлигини ёки бирининг иккинчисидан айна ҳолатда устунлигини сиёсий ёки хўжалик йўналишидаги масала биринчи қўйилаётганлиги билан ажратиб олиш мумкин. Бунда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

биринчидан, бир бутунлик, яъни аграр иқтисодиёт ва аграр сиёсатнинг ўзаро мустаҳкам алоқада ва муносабатда эканлиги;

иккинчидан, аграр иқтисодиётнинг бирламчи, аграр сиёсатнинг иккиламчи эканлиги;

учинчидан, аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга фаол таъсир кўрсатишини.

Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга фаол таъсири аграр сиёсатнинг фаолият доирасини белгилаб олишга ёрдам беради. Аграр сиёсатнинг моҳиятини кўриб чиқишда, қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

✚ аграр сиёсат сиёсий муносабатлар доирасига киради, чунки у ўзида давлат, давлатлараро ва шу каби доирадаги муносабатларни мужассамлаштиради;

✚ аграр сиёсатнинг хусусиятлари аграр иқтисодиётнинг махсус хусусиятларидан келиб чиқади. Аграр иқтисодиётнинг асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, тақсимоти, айирбошлаши ва истеъмолчини бошқариш билан боғлиқ иқтисодий қонунлар ётади. Шунинг учун ҳам аграр сиёсат ҳам шу қонунлар ҳукмронлиги остида олиб борилади;

✚ аграр сиёсат умумжамият муносабатлари тизимида муҳим ўринга эга.

Бошқача айтганда, у аграр иқтисодиётга яқин жойлашган, унинг ифодаси ва яқуни сифатида намоён бўлади.

Аграр сиёсатнинг асосий вазифаси – аграр соҳадаги жараён ва қарашларни акс эттирибгина қолмасдан, балки кишиларнинг шу соҳадаги қарашлари, жараёнлари ва қонунлари тизимидаги фаолиятини очиб беришдир.

Аграр сиёсатнинг бошқа бир муҳим вазифаларидан бири аграр қонунчиликка таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Аграр соҳада бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида давлат, биринчи навбатда, аграр бозордаги ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини қўяди. Иқтисодий фаолият бир меъёрда кетиши учун фаолият кўрсатувчи субъектлар қонуний ҳимоя қилинган бўлиши керак. Аввало, хўжалик юритувчиларнинг ерга нисбатан ва мулкка нисбатан фаолиятларини эркин бўлишига эришиш лозим. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига мулк ҳуқуқини кафолатлайдиган аграр қонунчилик зарур. Аграр сиёсатнинг аниқ вазифаларига қуйидагилар киради:

- мамлакат аҳолисини иқтисодий асосланган баҳолардаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

- қишлоқ хўжалигининг умумий даромад яратиш соҳасидаги иштирокини таъминлаш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш.

Доимий иқтисодий ривожланиш аграр-сиёсий тадбирлар қўлланилиши лозим бўлган нуқталарни кўпайишини тақозо қилади. Қишлоқ хўжалиги

бўлмаган соҳалардаги тадбирларнинг қишлоқ хўжалигига таъсирини, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларга таъсири ҳам ҳисобга олиниши керак. Кўп сонли ўзаро алоқалар доирасида аграр-сиёсий тадбирларнинг ютуғи бир қатор шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар қуйидагилардир:

- экология тоза бўлиши;
- иқтисодий омиллар билан боғланганлик, яъни ўз соҳасига тўғри келишлиги;
- ўз мақсадларининг ва бошқа ёндош мақсадларнинг бир-бирига мослиги;
- ўз моҳиятига тўғри келишлик, яъни техник кетма-кетлилик;
- ўз вақтида бўлишлик.

Аграр сиёсатда бу қоидалар ҳамма вақт ҳам бир текис бажарилавермайди. Қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг етарлича ҳисобга олишнинг қийинлиги аграр сиёсатни олиб боришни ҳам қийинлаштиради, лекин аграр сиёсатнинг вазифаси вазиятни тўғри баҳолаб, керакли қарорни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат аграр сиёсатини самарали амалга ошириш учун бир қатор қийинчиликлар ҳам мавжудки, уларни эътиборга олмасдан ривожланиш стратегиясини танлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам аграр сиёсатни тўғри танлаш иқтисодий ислоҳотларнинг самарали бориш гаровидир. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда аграр сиёсатни давлат томонидан тартибга солиб турилиши мақсадга мувофиқдир. Давлат томонидан аграр сиёсатни тартибга солишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- агросаноат мажмуи маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва ривожлантириш;
- Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш;
- аграр соҳа ва саноат соҳалари ишлаб чиқарувчилари даромадлари даражасини бир-бирига яқинлаштириш;
- маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш.

Давлат томонидан аграр сиёсатни тартибга солиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ✓ озиқ-овқат, хом-ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- ✓ молия, кредит, суғурта, имтиёзли солиққа тортиш;
- ✓ ташқи иқтисодий фаолиятда маҳаллий ишлаб ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоялаш;
- ✓ агросаноат ишлаб чиқариш соҳаларида илмий фаолиятни қўллаш ва фанни ривожлантириш;
- ✓ қишлоқ жойларда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш.

1.2. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш шароитида аграр сиёсатнинг устивор йўналишлари

Республикамиз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мулкий ва таркибий ислоҳотлар;
- ердан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;
- сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;
- молия-кредит, солиқ ва суғурта соҳасидаги ислоҳотлар;
- нарх-наво тизимидаги ислоҳотлар.

Аграр соҳада амалга оширилаётган **мулкий-таркибий ислоҳотлар**да энг аввало мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шакллариغا, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган

хўжалик юритиш шакллари жорий этишга асосий эътибор қаратилди. Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичлариданоқ зарар келтириб ишлаётган ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш борасида йирик таркибий ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотлар натижасида 1999-2007 йиллар оралиғида жами 2102 та истиқболсиз ширкат хўжаликлари босқичма-босқич тугатилиб, улар негизида 158738 та фермер хўжаликлари ташкил этилган эди.

Пухта ўйланган дастур асосида 2008-2010 йиллар давомида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мақбуллаштирилди.

Мақбуллаштириш жараёнида фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ўстиришга имкон яратувчи қуйидаги омиллар эътиборга олинди:

- фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборга олиш;

- сув ва бошқа моддий ресурсларини тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қулай шароит яратиш;

- йириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашга молиявий имкониятларини кенгайтириш;

- зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятига барҳам бериш.

Амалга оширилган мақбуллаштириш жараёни натижасида 2011 йил якунига келиб республикамиздаги фермер хўжаликларининг сони 215 776 тадан 66134 тагача ёки 69,4 % га камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келувчи ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 80,1 гектаргача кўпайтиришга эришилди. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри

келадиган ер майдонларини тармоқлар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич пахтачилик ва ғаллачиликда 106,3 гектарга, сабзавотчиликда ва полизчиликда 23,5 гектарга, боғдорчилик ва узумчиликда 13,1 гектарга, чорвачиликда 205,0 гектарга тенг бўлмоқда

Ижтимоий йўналтирилган барқарор, эркин бозор иктисодиётига ўтиш, кучли демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мақсадида республиканинг барча сохаларида, жумладан, қишлоқхўжалигида улкан ҳуқуқий, ташкилий, иктисодий ҳамда ижтимоий ислохотлар давлат раҳбарлигида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Даставвал, қишлоқ хўжалигида эркин бозор иктисодиёти муносабатларини мустаҳкам барпо этилишини, юритилишини таъминлаш қобилиятига эга бўлган ҳуқуқий асоси яратилиб, ривожлантирилмоқда. Бунга республика Олий Мажлиси ва Сенати томонидан қабул қилинган қонунлар, Президентнинг Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари яққол далил бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Мулк тўғрисида”ги; “Ижара тўғрисида”ги, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Инвестициялар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Меҳнат кодекси”, “Ер кодекси”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, - “Тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, янги тахрирда: - “Қишлоқ хўжалик қорхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Микрофирмалар ва кичик қорхоналарни

ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қушимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ва бошқалар, соҳани ислох қилишнинг ҳуқуқий асосини яратади. Яратилган ҳуқуқий асос негизида қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохотларнинг моҳияти нихоятда муҳим қуйидаги ҳолатларни шакллантиришга қаратилгандир:

-қишлоқ хўжалигини эркин бозор иқтисодиёти талаблари асосида бошқаришни барпо этиш, такомиллаштириш;

-мулкчиликнинг турли хилдаги шаклларида барпо этиб, самаралисини ривожлантириш;

-қишлоқда бозор мулкий муносабатларини барпо этиш, ривожлантириш ва эркинлаштириш;

-тармоқда турлича мулкчиликка асосланган субъектларни барпо этиш, уларга эркин фаолият кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиш;

-қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш, уларнинг мулкий онгини юксалтириш;

-барча турдаги иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш;

-аҳолининг даромадининг ўсишини таъминлаш;

-қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш;

-тармоқда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришини таъминлаш;

-аҳолини, қайта ишлаш саноатини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни юксалтириш, рағбатлантириш;

-аҳолини ижтимоий жихатдан таъминланганлигини яхшилаш ва бошқалар;

Ўтиш даврида уларни таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида ер, сув, мулк, ташкилий-таркибий, молия-кредит, солиқ, нарх, инвестиция ҳамда инновация ва бошқа ислохотлар ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

Ер, сув ресурсларига эгалик қилишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ер... сув... умуммиллий бойликдир, улардан оқилана фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир” - деб таъкидланган. Республиканинг жами ер майдониغا умуммиллий бойлик, давлат мулки сифатида эгалик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Олий Мажлис зиммасига юклатилган. Олий Мажлис ўз ваколатидаги ер муносабатларининг айрим масалаларини халқ депутатлари қишлоқ, шаҳар, поселка, туман ҳамда вилоят кенгашлари ва уларнинг ижроия кўмиталари зиммасига юкланган. Улар ер кодекси ва бошқа қонунларга асосланган ҳолда ерлардан оқилона самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида фойдаланувчиларга маълум муддатга ҳақ тўлаш эвазига фойдаланиш учун бермоқдалар, чекланган микдордаги ерларни қим ошди савдосида сотмоқдалар.

Демак, келажакда қишлоқ хўжалигида асосий товар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб берувчи субъектлари бўлиб фермер хўжаликлари ҳисобланади. Лекин, шунинг билан биргаликда эркин рақобат асосида бошқа мулкчиликка асосланган корхоналар ҳам фаолият кўрсатиш имкониятига эгадир.

Республикада қишлоқ хўжалик тармогини бошқарилишини самарали бўлишлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ташкилий ислохотлар амалга оширилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат қишлоқ хўжалигини ҳамда у билан боғлиқ бўлган тармоқларни бошқариш билан:

- Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
- Республика мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги;
- Ўрмон хўжалиги вазирлиги;
- Мева сабзавот узум саноати акциядорлик жамияти;
- Давлат сув хўжалиги қурилиши кўмитаси;
- Давлат ер ресурслари кўмитаси;

-Ўзгўштсаноати акциядорлик жамияти ва бошқа ташкилотлар шуғулланганлар.

Булар бошқаришни бозор иктисоди талаблари асосида самарали бошқарилишини таъминлай олмадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг фаолиятини уйғунлаштириш натижасида бошқарилиши қулай бўлган ихчам вазирликлар, компаниялар ҳамда давлат қўмиталари шакллантирилди. Хозирги даврда Ўзбекистон қишлоқва сув хўжалиги вазирлиги, Республика дехқонва фермер хўжаликлари уюшмаси, Ўзқишлоқмашлизинг компанияси, Ўздонмахсулот акциядорлик компанияси, Ўзагротмашсервис компанияси ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатмоқдилапр. Уларни келажакда янада такомиллаштириш талаб этилади.

Ташкилий ислохотлар билан биргаликда таркибий ўзгартиришлар ҳам амалга оширилмоқда. Республикада пахта яккахукмдорлигининг салбий оқибатларига барҳам бериш мақсадида пахта экиладиган майдонлар қискартирилиб, ўрнига асосан ғалла экила бошланди.

Қишлоқ хўжалик субъектларининг фаолиятларини ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида тармоқда молия, кредит, солиқ ва баҳолар ислохоти амалга оширилмоқда. Мустақилликкача қишлоқ хўжалик қорхоналари асосан давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ ҳисобидан молиялаштирилган. Улар етиштирган барча маҳсулотларни давлат томонидан марказдан ўрнатилган харид нархларда асосан давлатнинг вакил ташкилотлари томонидан сотиб олинган. Бунда уларга ўз маҳсулотларини сотишда мустақиллик, яъни эркинлик берилмаган. Ўша йилларда хўжаликларга турли хилдаги кредитларни белгиланган тартибда давлат банки берган. Сабаби бошқа банклар бўлмаган. Қишлоқ хўжалик қорхоналари 8 та хилдаги солиқларни белгиланган ставкаларда тўлаб келганлар. Тармоқда эркин бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида нодавлат мулкчилигига асосланган субъектларни молиялаштириш тартиби тубдан ўзгарди.

Уларнинг фаолиятини молиялаштириш асосан ўзларининг маблағлари эвазига амалга оширилмоқда. Унинг манбаси бўлиб махсулот етиштириб сотиш, хизмат кўрсатиш натижасида олаётган пул даромадлари, асосий воситаларнинг эскириши оқибатида шаклланаётган амортизация фонди, ишлаб чиқариш воситаларини сотишдан олинаётган пул тушумлари ҳамда уларнинг фойдалари ҳисобланади. 2004 йилдан бошлаб, давлат буюртмалари миқдоридаги пахта ҳамда ғаллани ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маблағлар давлат тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар эвазига қопланмоқда. Шу манбалардаги маблағлар етишмаган ҳолларда қишлоқ хужалик корхоналари давлат, тижорат банкларининг, хориж давлатларининг нодавлат корхона, ташкилотларнинг, хомийларнинг ва бошқаларнинг вақтинча бўш бўлган маблағларини жалб этмоқдалар.

Ҳозирги даврда қишлоқ хужалик корхоналарининг фаолиятини ривожлантириш учун аксарият ҳолларда ўзларининг маблағлари етишмасдан қолмоқда. Шунинг билан биргаликда молия-кредит институтларидан берилаётган маблағ талабни қондирадиган даражада эмас. Чунки қишлоқ хужалик субъектларининг иқтисодий ҳолати молия-кредит институтлари томонидан қўллайдиган ширкатларни тулик қондира олмайди.

Қишлоқ хўжалигида ирригация-мелиорация ишларини, экологик тадбирларни амалга оширишга маълум миқдордаги маблағ давлат бюджетидан ажратилмоқда. Лекин бу маблағлар таъкидланган ишларни тулик амалга оширилишини таъминлай олмайди. Шунинг учун келажакда қишлоқ хужалигидаги молия-кредит ислохотларини янада кенгайтириб, чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан етиштирилаётган пахта, ҳамда ғалланинг 50 фоизига давлат буюртмалари мавжуд. Уларни давлат томонидан белгиланган харид нархларда, қолган қисмини, шунингдек, бошқа махсулотларни эркин, келишилган нархларда хоҳлаган миқдорда эркин сотиш имкониятига эгалар. Бу жараён қишлоқ хужалик махсулотларининг

маълум даражада эркинлашганлигидан далолат беради. Лекин давлат харид нархлари ички ва жахон бозоридаги нархлардан паст. Аммо қишлоқ хужалик субъектлари томонидан сотиб олинаётган саноат корхоналарининг махсулотларининг эркин нархлари йил сайин юкори суръатларда ошиб бормокда. Окибатда қишлоқ хужалик махсулотларининг нархи билан сотиб олинаётган саноат махсулотларининг нархлари ўртасида номутаносиблик мавжуд.

Шунинг натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан яратилаётган соф фойданинг талайгина кисми саноат корхоналарнинг ихтиёрига ўтиб кетмокда. Бу масалани ижобий хал этиш учун давлат томонидан мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Улар барча катнашчиларнинг ўзаро манфаатларини эътиборга олган бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан кўзланган бош мақсад, ернинг ҳақиқий эгасини топиш, ер-сув муносабатларини такомиллаштириб бориб, ердан, сувдан ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишдир. Шу боисдан деҳқон хўжаликларига ер майдонлари меросга қолдириш ҳукуқи билан умрбод фойдаланишга, фермер хўжаликларига узок муддатга ижарага бериш конун билан белгилаб қўйилди.

Бугунги кунга келиб, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида пахта майдонлари 1,3 млн. гектаргача қисқартирилди, ғалла майдонлари 1,1 млн. гектарга етказилди. Пахтадан бўшаган ерларда янги боғ ва узумзорлар барпо этила бошланди, сабзавот, полиз ва озуқа экинларининг майдонлари ҳам кенгайди. Қилинган ишларни қуйидаги ҳолат билан таққосласак мамлакатда олиб борилаётган ишларни тўғрилигини янада кўришимиз мумкин.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Озик-овқат ва қишлоқ хужалиги масалалари буйича ташкилоти (ФАО)нинг маълумотларига кура бугунги кунда Дунёдаги 86 та давлат ўз аҳолисини озик-овқат махсулотлари билан таъминлай олмайди. Яъни дунёнинг 1 млрд якин аҳолиси очликда

яшамокда. Тожикистон Республикасида аҳоли эҳтиёжининг атиги 50-55 фоизи ўзида ишлаб чиқарилган дон маҳсулотлари ҳисобига таъминланади. Ўзбекистонда эса 100 фоиз ўзини таъминлаб экспортга ҳам чиқармоқдамиз.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали қўшимча қиймат яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришда янги технологияларни қўллаш натижасида юқори иқтисодий самардорликка эришиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган 5 йил давомида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 маротаба ошиб, 2010 йилда 11 млн. 920 минг тоннани ташкил қилди. Шундан, 1 млн 271 минг тонна ёки 14 фоиз маҳсулотлар қайта ишланди. Бугунги кунга келиб, етиштирилган сабзавотнинг 11,3 фоизи, меванинг 18,2 фоизи ва узумнинг 24,4 фоизи қайта ишланмоқда. Бу ўз навбатида маҳсулотга қўшимча қиймат яратиш ва юқори даромад олиш имконини беради.

Ҳукумат Дастурига асосан жорий йилда мевасабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 17 млн. 300 минг тонна ёки ўтган йилга нисбатан 145 фоиз кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

2011 йилда ишлаб чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотларининг 1 млн. 427 минг тоннаси қайта ишлашга, 450 минг тоннаси экспортга, 1 млн. 466 минг тоннаси Тошкент шаҳри ва бошқа ярмарка бозорларида сотилиши, 562 минг тоннаси бюджет ташкилотларига ажратилиши ва қолгани ички истеъмол учун етказиб берилади. Дастурни амалга ошириш учун фермер ва деҳкон хужаликлари, аҳоли томоркаларида маҳсулотларнинг экилиши устидан мониторинг урнатилди. Экиш учун зарур булган уруглик, минерал уғитлар, ёкилги-мойлаш маҳсулотлари, кучатлар етказиб беришнинг оптимал тизими яратилди.

Баҳорги мавсумда асосий майдонлар ва боғ катор ораларига 230 минг гектар сабзавот, 80 минг 600 гектар картошка, 57 минг гектар полиз экинлари экилди. Ўтган йилга нисбатан мевасабзавот экинлари қарийб 60 минг гектарга

кўп экилди. Фақатгина ўтган 2010 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт кўрсаткичлари 2006 йилга нисбатан деярли 4,5 баробарга кўпайди ва бу йилгиси 30 фоизга кўпаяди.

Республикамиздаги мавжуд 236 минг гектар боғларнинг 12 минг 260 гектари, мавжуд 133 минг гектар токзорларнинг 6 минг гектари қайта реконструкция қилинди.

Жами 14 минг 600 гектар янги боғ ва 5 минг 300 гектар янги токзорлар барпо этилди. Бундан ташқари, 2 минг 400 гектар интенсив мевали боғлар барпо этилди. Интенсив мевали боғлар 2 йилда ҳосилга кириб, 4-5 йилда гектаридан 50-60 тоннагача ҳосил олишига эришилади. Тоғ ва ва тоғолди ҳудудларида янги боғ-токзорлар барпо этиш билан ушбу ҳудудларда маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик ҳажмли цехлар қуриш, саклаш, кадоклаш минитехнологияларини ўрнатиш ҳисобига маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади.

Шу ўринда вазирлик бугунги кунда мевсабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида Халқаро кишлоқ хужалигини ривожлантириш фонди орқали (МФСР) 22 млн.АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очиш бўйича келишиб олинди. Бу ташкилотнинг кредит линиялари ҳисобига имтиёзли равишда 0,75 фоиз йиллик ставка билан 25-30 йилгача кредитлар ажратилади. Бундан ташқари, Жақон банки билан биргалиқда соҳани ривожлантириш учун 110 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини ажратиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналари томонидан охириги 5 йил ичида 201 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги технологик линиялар ўрнатилди. Мева-сабзавотчилик, полизчилик, узумчилик ва картошқачиликни ривожлантириш ва соҳани 2011 йилда модернизация қилиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади.

1. Боғдорчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида пакана ва ярим пакана мевали кўчатларни кўпайтириш учун жами 1,6 млн. дона пайвантаг

олиб келинди. Маълумот учун, Самарқанд вилояти “Лаззат-мева” ва “Оқтош-мева” қўшма корхоналарига 800 минг дона, Тошкент вилояти “Миришкор Сайфутдинова Хонзода” ф/х 400 минг дона, “Мева-Шарбат” боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясига 400 минг дона пайвантаг олиб келинди. Бунинг натижасида, 2013 йил кузда 4 млн.дона, 2014 йил 8 млн.дона, 2015 йил 16 млн. дона кўчатлар тайёрланади. Кўчатлар четдан сотиб олинса, 1 дона кўчат нархи 7 минг сўм бўлганда жами 217 млрд.сўм маблағ сарфланади. Республикада ушбу кўчатлар етиштирилганда 1 дона кўчат нархи 2,5 минг сўмдан бўлганда жами 78 млрд.сўмга тушади ва 139 млрд.сўм маблағлар тежалади, валюта сарфланмайди ҳамда қўшимча ишчи ўринлар яратилади.

2. Картошка уруғчилигини ривожлантириш мақсадида Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларда вируссиз уруғлик картошка етиштириш биотехнология лабораториясини олиб келиб ўрнатилади. Натижада 2012 йилда 1 минг тонна, 2013 йилда 5 минг тонна, 2014 йилда 20 минг тонна супер элита уруғлик картошка етиштириш имкони яратилади. Бунинг натижасида картошка уруғлиги янгилаб борилади ва юқори ҳосилдорликка эришилади, ҳар йили 25 млрд. сўмдан зиёд маблағ тежалади.

3. Қиш ва баҳор ойларида аҳолини мева маҳсулотлари билан таъминлаб бориш мақсадида Хитой усулида, яъни иситиш воситаларисиз иссиқхоналар ташкил этиб, уларда мева етиштириш ва тувакларда мева кўчатларини ўстириб мева етиштиришни йўлга қўйилди. Бунинг учун “Мева-шарбат” боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси ҳудудидан 2 гектар ер майдони ажратиб иссиқхоналар қурилади ва йил давомида мева етиштириш усуллари жорий этилади. Натижада ҳудудлардаги фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ўқув базаси ташкил этилади. Шу орқали замонавий технология усуллари барча ҳудудларда амалга ошириш йўлга қўйилади.

4. Сабзавот ва полиз уруғчилиги тизимини ривожлантириш мақсадида ҳар бир вилоятда камида 4-5 тадан уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлар ташкил этилади ва туман ҳокимларининг қарорлари билан уруғчиликка ихтисослашуви белгилаб қўйилади. Сабзавот ва полиз уруғчилиги бўйича селекция ишларини олиб борилади. Бунда, фермер, ва деҳқон хўжалиklarини юқори ҳосил берадиган сифатли сара ва супер элита уруғликлар билан таъминлаб бориш мақсадида Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига биотехнология лабораторияси сотиб олиб ўрнатилади. Ушбу биотехнологияни “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш” фонди маблағларидан ҳисобидан қопланади. Натижада Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти филиаллари томонидан 2011 йилда 20,5 тонна, 2012 йилда 45,5 тонна, 2013 йилда 50 тонна супер элита ва элита сабзавот ва полиз уруғларини етиштирилади.

5. Республикада мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича 2011-2015 йилларда жами 120,8 минг тоннадан ортиқ ҳажмли замонавий музлаткичли омборхоналар (холодильник) курилади. Бунинг натижасида, аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб борилади, бозорлардаги нарх-наволар барқарорлигини сақланади, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга эришилади ва янги ишчи ўринлар яратилади.

6. Аҳолини киш мавсумида узлуксиз сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб бориш мақсадида 232 гектар майдон енгил кострукцияга асосаланган замонавий иссиқхонлар курилади.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда Республика бўйича жами 4,3 млн.гектар суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилади. Айниқса, кейинги йилларда ирригация тизимини ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган янгича тизим шакллантирилди. Жумладан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти, замонавий мелиорация техникаси ва асбоб-ускуналарни етказиб берилишини таъминлаш мақсадида “Ўзмелиомашлизинг” лизинг компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 49 та давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

1.3. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг шарт-шароитлари

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг кулай худудида жойлашган. Унинг худудида азалдан инсоният учун ниҳоятда керакли ҳисобланган турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Чунки бу худудда табиий-иклим шароитлар етарлидир. Жумладан, Республикада йиллик самарали температура 25-35° ни ташкил этиб, куёшли соат 3000дан ортиқ бўлиб, бир йилда бирнеча марта ҳосил олиш имконини беради. Ўзбекистоннинг жами ер майдони 44.8 млн. гектар (2004 й.) бўлиб, шундан 50,8 фоизини турли хилдаги қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ҳамда дехкон хўжаликлари фойдаланадилар: уларнинг йигиндиси мамлакат қишлоқ хўжалигини ташкил этади. Унинг асосий мақсади тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан мамлакат аҳолисининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришдир. Бунинг учун:

- аҳоли кундалик истеъмол қиладиган сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини барча талабларни қондирадиган даражада ишлаб чиқариш;
- кайта ишлаш саноати корхоналарининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириши лозим.

Ҳозирги даврда, бу тармоқда аҳоли истеъмол қиладиган товарларнинг 85 фоизидан кўпроги ишлаб чиқарилмоқда. Улар ўсимликчилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларидан иборатдир.

Барча турдаги қишлоқ хужалик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда республика иқтисодиётида банд бўлган меҳнат ресурсларининг 40 фоизга яқини қатнашган.

Лекин республиканинг қишлоқларида жами аҳолининг учдан икки қисми яшайди. Ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар 25 млн. гектарга яқин қишлоқ хужалик ерларидан олинган.

Республикада қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

- балл-бонитети паст ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга жорий этилди.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қўйидагиларда қўриш мумкин:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- “Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий Банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- янги ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжаликларига эса 300 баравари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитларни бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларини олдиндан 3 % имтиёзли фоиз ставкаси билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.¹

Мамлакат деҳқончилиги сугоришга асосланганлиги учун катта миқдордаги сув ресурсларини талаб этади. Лекин бу талаб ички сув ресурслари билан атиги 60 фоизгагина кондирилмоқда. Бундай ҳол Амударё хамда Сирдарё хавзаларидан катта миқдордаги сув ресурсларини жалб этишни талаб этади.

Қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кўплаб қишлоқ хўжалик техникалари, кимёвий воситалар, ёкилги, ёнилги, ёғловчи материаллар ва бошқа воситалардан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент 2012 й.

фойдаланилмоқда. Масалан, тармоқда 2004 йилда 78,9 мингга яқин турли хилдаги тракторлар, 22,7 мингтадан кўпроқ юк ташиш машиналари, 4,4 мингтага яқин ғалла йиғиштирадиган, бир мингтага яқин пахта терадиган камбайинлар, кўплаб бошқа техникалардан фойдаланилган. Тармоқ микёсида ерларнинг унумдорлигини, экинларнинг эса ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 332,7 минг тонна минерал ўғитлардан фойдаланилган. қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқиладиган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқарилиши натижасида Ўзбекистоннинг маъноси ошиб бормоқда. Ҳозирги даврда А ва Е типдаги пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда Ўзбекистон Хитой, АҚШ, Хиндистон ва Покистон давлатларидан сўнг бешинчи ўринни, уларни экспорт қилиш бўйича эса 2-ўринни эгаллаб келмоқда. Шунинг билан биргаликда Ўзбекистон жаҳон бозорига ниҳоятда сифатли бўлган қорақўл терисини, пилласини, сабзавот, полиз ва боғдорчилик маҳсулотларини олиб чиқиб сотмоқда. Республиканинг бу борадаги салоҳиятидан тулик фойдаланилаётгани йук. Уни ижобий ҳал этиш учун тармоқда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, жаҳон бозорига тайёр маҳсулотларни чиқариш лозим. Бу борада сўнги йилларда чет эл инвестицияларини жалб этиб катта ишлар амалга оширилмоқда. Уларни келажакда жадал суръатлар билан ривожлантириш сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда мамлакат аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси йил сайин ортиб бормоқда. Сўнги ўн йилликларда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакат қишлоқ хўжалигида эркин бозор иқтисоди талабларига мос иқтисодий муносабатларни шакллантириш имкониятини берадиган, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохотлар босқичма-босқич катъий ишонч билан амалга оширилишини таъминлаб берадиган тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга жорий этилмоқда. Масалан, ер фуқароларга умрбод мерос қолдириш ҳуқуқи билан бепул берилмоқда, фермер хўжалиқларига эса 30 йилдан 50 йилгача

бўлган муддатга фойдаланиш учун ижарага берилмоқда. қишлоқда мулк ислохоти натижасида мулкдорлар синфи барқарор равишда шаклланиб, ривожланмоқда.

Барча пахта, ғалладан ташқари бошқа маҳсулотларни етиштириб, уларни сотишда эркинлик берилди. Тадбиркорларга ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун турли хилдаги имтиёзли кредитлар берилган. Лекин амалга оширилаётган тадбирлар ўсиб бораётган талабни тулик кондира олмайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган барча турдаги ислохотларни эркинлаштириш, уларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу келажакда қишлоқ хўжалигининг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаб, унинг ахамиятини ошириб, республика иқтисодиётининг юксалишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузасида қайд этилган қоида, хулоса ва кўрсатмалар, белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим 7 та устувор вазифалари ҳисобот йилида вазирлик, тизимдаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятида дастуриламал сифатида қабул қилиниб, соҳа тармоқларини модернизация қилиш, замонавий агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирлар комплекси, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисининг 2011 йил 15 июлдаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастури”даги тадбирлар амалга оширилиши натижасида соҳанинг барча тармоқлари иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари барқарорлиги таъминланди.

Амалдаги баҳоларда 19 трлн 633,6 млрд сўмлик (2010 йилга нисбатан ўсиш даражаси - 6,6%) ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилгани

ҳолда мамлакат Ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 17,6 фоиздан иборат бўлмоқда.

Вазирлик тизимида қиёслама баҳоларда 91,9 млрд сўмлик (ўсиш даражаси ГЭСлар кўрсаткичисиз 21,1%) саноат маҳсулоти ва 8 млрд 910,5 млн сўмлик (10,9%) халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди; -тизимдаги саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда тайёрланаётган товарлар рақобатбардошлилигини мунтазам ошириб бориш, экспортни диверсификациялаш ва улар географиясини янада кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ташкилий-амалий ишлар олиб борилиши ҳисобига йиллик экспорт прогнози 107,9 фоизга уудаланиб, 2010 йилга нисбатан 32,7 фоизлик ўсишга эришилди;

- лимит доирасида жами 520,5 млрд сўмлик (107,9%) давлат капитал қўйилмалари ўзлаштирилиб, 301.0 млрд сўмлик (110,0%) қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ва 88,7 млрд сўмлик асосий фондлар ишга туширилди; -шу жумладан “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил Инвестиция дастури”га мувофиқ республика Ҳукуматининг қафолати остида Манзилли дастурлар доирасида 112,91 млн доллар (107,3%) ҳажмида хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилди.

- “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” Давлат дастури доирасида 431 та лойиҳа бўйича жами 188,7 млрд сўмлик (102,3%) маблағлар ўзлаштирилиб, зарур мелиоратив тадбирлар амалга оширилиши натижасида 260 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди;

- “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш” дастури доирасида 10 та лойиҳа бўйича жами 2 млрд 800,4 млн сўмлик (100,5%) маҳсулотлар ишлаб чиқарилди;

- Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида тизимдаги сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари томонидан 389 та шартномаларга мувофиқ жами 22 млрд 80,6 млн сўмлик (110,9%) маҳсулотлар харид қилинди;

- касаначилик асосида 240 та (100,8%) ишчи ўринлари яратилиб, улар томонидан 54,5 млн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди;

- тижорат банклари томонидан Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган бошоқли дон ва пахта ҳосилини етиштиришга жами 1 трлн 597,0 млрд сўм миқдоридаги имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилди;

- фермер хўжаликларига жами 208,5 млрд сўмлик, шундан лизинг асосида 142,7 млрд сўмлик (4932 та) қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилди;

- мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан самарали амалга оширилган агротехника тадбирлари ва ўз вақтида кўрилган ташкилий - амалий чоралар натижасида жами 6 млн 703,1 минг тонна ғалла ишлаб чиқарилиб, давлатга 2 млн 324,8 минг тонна (92,9%) товар дон ва 226,4 минг тонна (73,2%) уруғлик топширилди. Бунда ўртача ҳосилдорлик гектарига 48,5 центнерни (шундан суғориладиган майдонларда 50,2 центнер ва лалмикорда - 8,6 центнер) ташкил қилди;

- мавсумда 3 млн 500,0 минг тонна (102,9%) пахта хом ашёси давлатга сотилди. Бунда республика бўйича гектарига олинган ўртача ҳосилдорлик - 26,5 центнердан иборат бўлди;

- 2011 йилнинг 12 - 13 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида “Пахта ва тўқимачилик: бозорнинг янги истиқболлари” ВИИ Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди ва унинг ишида дунёнинг 38 мамлакатидан 660 дан зиёд вакиллар иштирок этишиб, зарур ҳажмдаги экспорт-импорт контрактлари имзоланди.

- дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 2011 йил якуни билан ғаллачилик (356,4 млрд сўм) ва пахтачиликда (205,7 млрд сўм) жами 562,1 млрд сўм фойда олиниб, 26.2 - 10,2 фоиз иқтисодий самарадорликка эришилди.

- бугунга келиб, фермер хўжаликларининг мамлакат ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотигаги улуши 34,0 фоизни ташкил этгани ҳолда бу кўрсаткич пахтачиликда - 99.4%, ғаллачиликда - 83,1% ва пиллачиликда 97,9 фоиздан иборат бўлмоқда;

- статистика маълумотларига кўра, мамлакат бўйича жами 13 млн 112,0 минг тонна, 105,6% (ўсиш даражаси 110,0 фоиз ёки ўтган йилга нисбатан 1192,5 минг тонна кўп) мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка ишлаб чиқарилди, (шундан: сабзавот - 6993,7 минг тонна (ўсиш даражаси - 110,2%); картошка - 1862,4 минг тонна (110,0%); полиз - 1294,7 минг тонна (109,5%); мева - 1871,1 минг тонна (109,4%) ва узум - 1090,1 минг тонна (110,4%));

- чорвачиликни комплекс ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани ҳолда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида боқилаётган чорва молларига 2596 та зооветеринария пунктлари орқали жами 7,9 млрд сўмлик (101,9%) пулли хизмат кўрсатилиб, бир шартли чорва молига кўрсатилган хизмат баҳоси республика бўйича ўртача 1014,5 сўмни ташкил этди;

- қишлоқ аҳоли пунктларида 184 та (100,0%) сунъий уруғлантириш пунктлари очилиб, улар томонидан аҳолидаги мавжуд 1564,2 минг бош (105,7%) сигир ва қочириш ёшидаги таналар сунъий уруғлантирилди; аукцион майдончалари орқали 9071 бош (115,1%) насли моллар сотилди ва 8533 нафар кам таъминланган оилаларга бепул сигир берилди.

Барча тоифа хўжаликларида йирик шохли қорамоллар бош сони 2010 йилга нисбатан 547,8 минг бош ёки 6,0 фоизга кўпайиб, 9642,5 минг бошга етди: бунда сигирлар 120,1 минг бош ёки 3,2 фоизга (3878,2 минг бош); қўй ва эчкилар +846,2 минг бош ёки 5,5 фоизга (16187,1 минг бош) ва барча

турдаги паррандалар +4997,9 минг бош ёки 13,2 фоизга (42731,2 минг бош) кўпайди.

Натижада тирик вазнда 1564,2 минг тонна ёки ўтган йилга нисбатан 7,0 фоиз (+102,8 минг тонна) гўшт, 6766,2 минг тонна, 9.7 фоиз (+597,2 минг тонна) сут; 3441,7 млн дона, 12.5 фоиз (+382,9 млн дона) тухум; 28687 тонна, 8,2 фоиз (+2177 тонна) жун ва 1022,3 минг дона, 9.3 фоиз ёки 87,4 минг дона қорақўл тери кўп ишлаб чиқарилди;

- бу даврда жами 16882,1 тонна, 155.6% (шунинг 10677,2 тоннаси сунъий сув ҳавзаларида ва 6204,9 тоннаси табиий кўлларда) балиқ овланди;

- шунингдек, жами 3786,1 тонна, 103.8% асал ишлаб чиқарилди;

- республика бўйича умумий қиймати 65,2 млрд сўмлик 24 минг 666,9 тонна (98,7%) тирик пилла етиштирилиб, ҳар қути ипак қуртидан олинган ҳосил ўртача 56,3 килограммни ташкил қилди;

- ҳисобот йилида республика бўйича лимитга нисбатан жами 43156 млн куб/метр (97,0%) сув сарфланди, шундан суғориш мавсумида (1 апрелдан 30 сентябрга қадар бўлган муддат, яъни вегетация даврида) 31,1 млрд куб/метр ёки 90,5 фоиз миқдорида сув ишлатилди;

- мавжуд 1487 та Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан иккиламчи сув истеъмолчиларига 33,5 млрд сўмлик хизмат кўрсатилиб, унинг 19,7 млрд сўмига (58,9%) тўлов амалга оширилди. Бунда ўртача бир гектар майдонга сув истеъмолчилари тарафидан тўланган маблағ республика бўйича ўртача 5082 сўмни ташкил қилди;

- ҳисобот йилида узунлиги 5085,0 километр (104,8%) бўлган хўжаликлараро суғориш тармоқлари тозаланиб, 4738 дона (105.0%) гидротехник иншоот ҳамда 5207 дона (104.7%) гидрост таъмирланди;

- вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотларида лимитга нисбатан 228,0 млн кВт/соат электр энергияси ёки 19,0 млрд сўмлик маблағ иқтисод қилинди;

- тизимдаги ўрмон хўжаликларида жами 42,2 минг гектар (100,0%) янги ўрмонзорлар барпо этилди, шу жумладан 2820 минг дона (100,0%) “Япон софораси” ва 300 минг дона (100,0%) “Каштан” дарахти кўчатлари экилиб, парваришланмоқда;

Давлат илмий-техник дастурлари, шу жумладан фундаментал, илмий-амалий ва инновацион грант лойиҳаларида илмий изланишлар давом эттирилгани ҳолда маълум ижобий натижаларга эришилмоқда.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АГРАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ўзбекистон республикаси аграр сиёсатини амалга ошириш мақсади ва вазифалари

Замонавий аграр иқтисодиёт мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Унинг ривожланиш ҳолати доимий эътиборга моликдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг иқтисодий инқирозга юз тутганлигини бир қатор сабаблари мавжуд:

- ❖ кўп йиллар давомида ерга нисбатан давлат мулки муносабатлари ҳукмронлик қилгани ва кишиларда эски психологиянинг ҳукмронлик қилиши иқтисодий ислоҳотларни амалга ошишига салбий таъсир кўрсатганлиги;
- ❖ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан-техника ютуқларини қўллаш ва уни амалга оширишнинг қийинлашиб қолганлиги;
- ❖ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида керагидан ортиқча меҳнат ресурсларининг йиғилиб қолганлиги, уларни бўшатиш ва бошқа иш билан таъминлаш ҳукумат олдида яна бир улкан муаммони қўйганлиги;
- ❖ қишлоқ хўжалиги техникаларининг эскилиги ва тармоқда механизациялаштириш даражасининг пасайиб кетганлиги, янги техника сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга жалб қилиш қимматлиги ва ишлаб чиқарувчиларда бунинг учун керакли маблағнинг йўқлиги;
- ❖ қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш учун керакли миқдордаги ссуда ва кредитларнинг етишмаслиги ёки уларни олишнинг ҳаддан ташқари қийинлиги.

Аграр сиёсатнинг асосий вазифаси бу каби муаммоларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига эришишдир. Шу мақсадда кейинги йилларда мамлакат аграр тармоғини ривожлантириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Улар ичида энг муҳимларидан бири мамлакат аграр сиёсатининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон аграр сиёсатининг ҳуқуқий асосларини қуйидагилар ташкил этади:

Ер Кодекси; Меҳнат Кодекси; Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун; Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонун; Деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги қонун; Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ундаги ишлаб чиқариш, молия, солиқ, кредит ва бошқа муносабатларни такомиллаштириш борасидаги қонунлар, фармонлар, қарорлар, меъёрий ҳужжатлар ва бошқа қонуности ҳужжатлари.

Танланган йўл асосида Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб олинган . Умуман олганда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг қуйидаги икки муҳим стратегик мақсадни амалга ошириш асосида қурилган:

- Пахта толасини етиштиришнинг барқарорлигини таъминлаш;
- Дон ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва дон мустақилликка эришиш.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳани барқарор ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Президентнинг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» маърузасидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ижросини ташкил этиш, уларнинг ўз муддатларида ва тўлақонли бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ҳайъат қарори билан қуйидаги махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилди:

1. Тизимдаги корхоналарни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш, сифат ва нархлар борасида рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш масалалари бўйича.

2. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни хорижга сотиш кўламини ошириш, импорт ҳажмини оптималлаштириш масалалари бўйича.

3. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, улардан мақсадли фойдаланиш ва лойиҳалар мониторингини ташкил этиш масалалари бўйича.

4. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда туманлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича.

5. Қишлоқ инфратузилма объектлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда фермер хўжаликлари билан таъминотчи, хизмат кўрсатувчи, тайёрлов идоралари ўртасида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан мониторинг юритиш масалалари бўйича.

6. Сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва сувдан самарали фойдаланиш ҳамда томчилатиб суғориш тизимини ташкил қилиш масалалари бўйича.

7. Пахтачилик, ғаллачилик ва мойли экинлар масалалари бўйича.

8. Сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ҳамда экспорт қилиш ҳажмларини кучайтириш масалалари бўйича.

9. Ўсимликларни ҳимоя қилиш, биолабораториялар ва агрокимё-станциялар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича.

10. Чорвачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш масалалари бўйича.

11. Паррандачиликни ривожлантириш масалалари бўйича.

12. Балиқчиликни ривожлантириш масалалари бўйича.
13. Асариччиликни ривожлантириш масалалари бўйича.
14. Пиллачилик масалалари бўйича.
15. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури бўйича.

Мазкур ишчи гуруҳларига ҳудудларда юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, жойларда аниқланган хато-камчиликларни маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбарлари билан биргаликда бартараф эти шва иуаммоларни ҳал қилиш вазибалари юклатилган.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўзларидаги мавжуд муаммолар ҳамда ушбу йўналишлар бўйича вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларини Ишчи гуруҳларига тақдим қилишлари мумкин.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи- назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб,

республикамиздаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узок муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узок муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

б) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига кўра Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларини билиш мақсадида мазкур махсус курснинг жорий этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон аграр сиёсатининг ҳуқуқий асослари яратилган, фақат уни тўғри амалга ошириш муҳим, шундагина олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар керакли даражадаги самарани бериши мумкин.

2.2. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастурининг асосий йўналишлари

Маълумки, 2008 йилнинг 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Президентимиз ўз маърузаларида қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб бердилар:

- қишлоқда турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;
- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш;
- ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш¹.

Мазкур йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПП-1046 сонли Қарори асосида кучга киритилди. Дастурда ўтказиладиган чора-тадбирлар, бажарилиш муддатлари, харажатлар

¹ Президент Ислам Каримовнинг 2008 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси.

ва уларни молиялаштириш манбалари, чора-тадбирларни амалга ошириш шакллари, механизмлари ва кутиладиган натижалар тўлиқ ўз ифодасини топган. Дастур асосий йўналишлари 9 та бўлим, 105 та банда ўз ифодасини топган (2.2.1-жадвал).

Президентимиз ўз маърузаларида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг принципиал аҳамиятга эга бўлган асосий йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиб ўтдилар.

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган эрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва рағбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб бериш, қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

Ҳудудларнинг меъморий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош планлари ишлаб чиқилишини таъминлаш, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва

ижтимоий иншоотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор.

2.2.1-жадвал.«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари

Бўлим-лар	Дастурнинг асосий йўналишлари
I	Қишлоқда яшовчиларнинг манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш
II	Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини қуришни лойиҳалаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш
III	Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш асосида қишлоқда турмуш сифатини ошириш
IV	Маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий материаллардан йиғма конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда индустриал ва йиғма технологияга қурилишини жорий қилиш
V	Электр энергияси билан таъминловчи мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ҳисобидан қишлоқни кафолатланган электр энергияси билан тўхтовсиз таъминлаш учун шароитлар яратиш
VI	Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, имтиёзлар бериш, қишлоқда шаклланадиган янги мулкый муносабатларни, ўрта табақа–мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг ва ишбилармонларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш
VII	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ва тасдиқланган Давлат Дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чоратадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш
VIII	Қишлоқда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта

	ишлайдиган ихчам корхоналарни куриш ва яратишни жадал ривожлантириш; сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш асосида қишлоқ аҳолисини, аввало ёшларни иш билан таъминлаш, фуқароларнинг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш
IX	Фуқароларнинг соғлигини ҳимоя қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қишлоқда маориф тизимининг сифатини янада яхшилаш, янги поғонага кўтариш, қишлоқ жойларда мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мутаҳкамлаш

Бу вазифаларни бажариш учун яқинда махсус «Қишлоқ-қурилиш-лойиҳа» лойиҳа-тадқиқот институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг тўлақонли фаолият бошлашини тезлаштириш, уни юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ва уларнинг олдига аниқ ва равшан вазифалар қўйиш керакки, жорий йилнинг ўзидаёқ биз янги архитектура бош планлари ва намунавий лойиҳалар бўйича ишлаш имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Табиийки, янги қурилишларни замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма, композицион ва кичик блокли конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этиш даркор.

Вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари «Ўзқурилишматериаллари» компанияси билан биргаликда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, пишиқ ғишт, том ёпиш, пардозлаш ва бошқа мақсадлар учун керак бўладиган материалларни ишлаб чиқариш бўйича минитехнологияларни жорий этиш, мавжуд норуда конларини қайта тиклаш ҳамда реконструкция қилишга доир махсус дастурларни ишлаб чиқиши лозим.

Қишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш

зарур. Бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлимларга эга ихтисослашган банк ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Туманларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, қишлоқларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш бўйича ихтисослашган хусусий пудратчи корхоналарни ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш зарур.

Учинчидан, дастурнинг асосий вазифаси – қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Бу борада вазифа кенг миқёсда қўйилмоқда – яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хомашё базасини ташкил этиш зарур.

Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ.

Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз авваламбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига эга бўламиз.

Тўртинчидан, 2008-2012 йилларда суғориладиган эрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига – яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сон «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳисобот йилида мазкур Давлат дастури доирасида жами 92,9 млрд сўмлик (123,8%) маблағ мақсадли ўзлаштирилди. Жумладан, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 47 та лойиҳа (22,4 млрд. сўм) ҳамда 429 та ўрнига амалда 243 та объект бўйича (38,6 млрд. сўм) таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди ва 31,9 млрд. сўмлик мелиоратив техникалар харид қилинди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 266,5 километр масофадаги коллектор-дренаж тармоқлари реконструкция қилинди ва қурилди, узунлиги 11052,7 километр магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар тозаланди, жами 896,2 километр масофада ёпиқ-ётиқ зовур тармоқлари таъмирланди ҳамда лизинг асосида 144 дона гидравлик занжирли экскаваторлар келтирилиб, шундан 112 таси янги ташкил этилган Давлат унитар корхоналарига етказиб берилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш борасида 2009 йилда 3710 га ер майдонида томчилаб суғоришни ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

«Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгилаб берилган муҳим чора-тадбирлар ва уларни молиялаш учун ажратилиши кўзда

тутилган маблағлар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар билан мазкур ўқув қўлланма сўнгида келтирилган илова орқали танишиш мумкин.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар

2009 йилда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган энг муҳим устувор вазифалардан бири қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Айни пайтда мазкур устувор йўналиш ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури нафақат 2009 йил, балки ўрта муддатли истиқбол учун белгилаб олинган.

Ушбу дастурдаги барча мақсадли вазифа ва параметрларнинг пировард натижада бажарилиши учун бутун масъулият ҳудудий комиссиялар зиммасига юкланиб, конкрет дастурларда белгиланган вазифалар ҳар қайси ҳудуд бўйича қандай ижро этилаётганига қараб, мутасадди шахсларнинг ушбу дастур орқали қўйилган вазифани қай даражада тушуниши ва бажарилишини таъминлаши, қисқача айтганда, уларнинг замонавий раҳбарга нисбатан қўйиладиган талабларга қанчалик жавоб бериши тўғрисида хулоса чиқариш имкони пайдо бўлади.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар ичида энг аввало қишлоқда яшаётган аҳоли манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида қонуний-меъерий ҳужжатларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Чунки, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш

самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини уйғунлаштирувчи яхлит механизмнинг тўғри ишлаб чиқилишига боғлиқ.

Бу борада фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисида, сув ва сувдан фойдаланиш қонунларига, Ер кодексига ва бошқаларга қўшимча киритиш ва кўриб чиқиш лозим бўлади.

Маълумки, 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги ҳамда «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали йўлга қўйиш, унда хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган шакллари қарор топтириш ва ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳуқуқий асос ролини бажарди. Бироқ, мамлакатимиздаги фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзининг янада ривожланиши учун янги шарт-шароитларни, имтиёз ва рағбатлантирувчи омилларни белгилаш, иқтисодий дастак ва механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси энг аввало Ушбу жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонунларда ўз ифодасини топмоғи лозим.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт табиий ресурслар, энг аввало, уларнинг қайта тикланмайдиган турлари ҳисобланувчи ер ва сув ресурсларидан тежамли ва эҳтиёткорона фойдаланиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларнинг ушбу мақсадда фойдаланиш доирасидан чиқиб кетиши жараёнларини тартибга солишда ер участкаларини ноқишлоқхўжалик мақсадларига ажратиб бериш бўйича низомнинг ишлаб чиқилиши муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришда қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш тизимини ва қурилишни тубдан такомиллаштиришга қаратилган, жумладан, қишлоқ яшаш жойларини бош схема ва архитектура лойиҳалари асосида қуриш, махсус лойиҳалаштириш ташкилотини, махсус қишлоқ қурилиш банки, махсус қурилиш ташкилотларини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси


Президентининг фармонлари ва қарорларини тайёрлаш ва амалга жорий этиш зарур.

Жумладан, қишлоқда аҳоли жойлари архитектураси ва қурилишни лойиҳалаштиришни тубдан такомиллаштиришда намунали қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий объектларини қуриш лойиҳаларини табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бу борада намунали уй-жойлар лойиҳаларини эксперимент сифатида Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани, Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани, Қорақолпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида янги илғор қурилиш технологиялари асосида амалга оширилиши эътиборга моликдир. Айни пайтда, мазкур тадбирларни оммага кенг ёйиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бу борада ўзаро мусобақалашув руҳини шакллантириш мақсадида «Энг яхши қишлоқ» номли танловнинг ўтказилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан аҳолининг соғлиғини сақлаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтариш билан боғлиқдир. Бу эса, биринчи навбатда, инвестиция дастурлари асосида соғлиқни сақлаш муассасаларини тиббиёт техникаси ва аппаратуралар билан таъминлашни тақозо этади.

Қишлоқ жойларида таълим тизими ва болалар спорти моддий-техник негизини мустаҳкамлаш мақсадида 2009 йилда кўплаб объектларни ишга тушириш кўзда тутилмоқда (2.2.1-расм).

2.2.1-расм.2009 йилда қишлоқ жойларида ишга тушириш кўзда тутилган таълим тизими ва болалар спорти объектлари, дона



Бу эса қишлоқларимиздаги ёшларнинг кенг ва ёруғ биноларда, замонавий жиҳозлар билан таъинланган ўқув хоналари ва лабораторияларда билим олишлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун моддий асос яратади.

Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтаришда қуйидаги йўналишлардаги ишларни кучайтириш кўзда тутилмоқда:

- қишлоқ жойларда жойлашган меҳрибонлик ва мурувват уйларида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш бўйича маданиятини ошириш, жумладан профилактика ва тарғибот ишларини кучайтириш;
- халқаро грантлар асосида мактаб, академик лицей ва коллежлар ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш;
- қишлоқ мактаблари ва коллежларидаги ахборот ресурс марказларини халқаро интернет тармоғига улаш ва ҳ.к.

Қишлоқда ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш

Республикада қишлоқ ободонлигини ҳамда унинг аҳолиси фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан

таъминлашнинг аҳамиятли чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур кўрсаткич сезиларди даражада ўсиб бормоқда. Агар 1996 йилда қишлоқ уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 240,9 млн. кв. метрга етган. Умуман олганда, 1996-2006 йиллар давомида республика бўйича жами уй-жой фондининг ўсиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич шаҳарда 118,6% ни, қишлоқда 133,5% ни ташкил этган. Бу эса қишлоқ фаровонлиги ва ободончилигининг ошишида муҳим шарт-шароит яратади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ҳам қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш чора-тадбирларини кучайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун энг аввало якка тартибда уй-жой қуриш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу асосда қишлоқ жойларида 7100 минг кв.м уй-жой қурилиши амалга оширилади. Албатта, бу жараёнларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Шунга кўра, 2009 йилда қишлоқ яшаш жойларини тўла интентаризацияда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Уй-жой қурилиши ишларини жадаллаштириш, уларни изчил амалга ошириш мақсадида хусусий қурилиш уюшмалари фаолиятини ташкил этишни йўлга қуйиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Ушбу жараёнларни аҳоли кенг эътиборига етказиш борасида қишлоқларда қурилаётган намунали уй-жойлар тўғрисида ахборот берувчи «Шинам уй» телекўрсатувини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Хозирда қишлоқ ҳудудларини сув билан барқарор таъминлаш бўйича 1836 км янги сув тизимини қуриш, 304 та объектни реконструкция қилиш, бу борадаги 2010-2015 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш тадбирларини ҳам ўз ичига олади. Шу қаторда 2009 йилда узунлиги қарийб 700 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган.

Қишлоқ жойларининг ободонлиги ва аҳолисининг фаровонлигини автомобиль йўллари ва транспорт воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунга кўра, 2009 йилда қишлоқ жойларда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш мақсадида 67 та янги автомобиль маршрутини йўлга қўйиш ва 1913,9 км маҳаллий йўлларни таъмирлаш кўзда тутилган.

Аҳоли турмуш даражаси кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айниқса, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси қишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервисни янги сифат даражасига кўтариш, жумладан, қишлоқда хизматлар соҳасида 140 минг янги иш жойлари ташкил этиш, 452 та савдо магазинлари, 1856 та маиший хизмат корхоналари, 500 дан ортиқ минибанклар ташкил этиш, қишлоқ аҳоли яшаётган жойларда телефон ва алоқа тизимини тубдан яхшилаш, спорт ва туризмни ривожлантириш тадбирлари белгиланган.

Шунингдек, қишлоқ жойларни ободонлаштириш ишларини изчил тизимга солиш, уларни мунтазам равишда олиб бориш мақсадида ободонлаштириш моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг 2009-2011 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш, ободонлаштириш ишлари ташкил қилиш ва рағбатлантириш қоидаларини тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ўз ичига маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқда янги қурилиш технологияларини қўллаш ишларини ҳам олади. Бунда янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш тадбирлари кўзда тутилади. Қишлоқ жойларида 77 та янги қурилиш материаллари фирма магазинларини ташкил қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Қишлоқни ёқилғи энергетика захиралари билан барқарор таъминлаш учун қулай шароитни яратиш борасида мавжуд электр ва газ тармоқларини тўла инвентаризация қилиш, янги электр ва газ тармоқларини қуриш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, узоқ жойларда жойлашган қишлоқларни газ ва кўмир билан таъминлашга мўлжалланган сервис марказларини ташкил этиш белгиланган.

2.3. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигини таркибий қайта қуриш ва модернизациялаш

Хоразм вилояти иқтисодиёти аграр тармоғининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари хусусиятларини кенг тадқиқ қилиш унинг барқарор ривожланишидаги асосий йўналишларини белгилаб олиш имконини беради.

Вилоятнинг аграр тармоғи сўнгги йилларда катта ўзгаришларга учрадики, бу ўзгаришлар институционал ислохотлар, хўжалик юритишнинг экологик, молиявий ва ҳуқуқий шарт-шароитлари билан боғлиқ. Юқорида айтилганидек, аграр ишлаб чиқаришини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича катта ишлар олиб борилди. Мулкчилик, кооперация ва интеграциялаш, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусийлаштириш, ер ислохотлари, давлат ва қишлоқ хўжалиги тузилмалари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш борасидаги меъёрий ҳужжатлар такомиллашиб бормоқда. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилмаси, ялпи маҳсулот ҳажмлари, қорамол сони, экин майдонлари қандай ўзгаришларга учраганини, иқтисодиётнинг аграр секторини зарур моддий-техник ресурслар (тракторлар, комбайнлар, культиваторлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси ва ишлаб чиқариш қуроллари) билан таъминлашда қандай силжишлар юз берганини таҳлил қилиб чиқиш зарур.

Аграр тармоқда олиб борилаётган ўзгаришларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини баҳолашда ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасида кузатилган ўзгаришларни очиб берувчи кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга.

Ислохот йилларида вилоятда картошка ва сабзавотларни етиштириш анча кўпайди. Бу эса хусусий сектор ҳисобига, асосан деҳқон хўжаликлари ер майдонларининг кенгайиши туфайли, шунингдек, томорқалар учун ер участкалари ажратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этиш эвазига эришилди.

Умумий ҳисобда 1997–2007 йилларда Хоразм вилоятида гўшт ва сут ишлаб чиқариш, тегишлича, 48,9 минг тоннадан 79,0 минг тоннагача ва 350,6 минг тоннадан 527,3 минг тоннагача кўпайди.

Ўрганилаётган даврда экин майдонлари тузилмасида фермер ва деҳқон хўжаликлари улуши анча ортди, чунончи 2003–2007 йилларда фермер хўжаликларига тегишли экин майдонлари 68959 гектардан 185890 гектаргача кенгайди, бу эса барча тоифадаги хўжаликлар бўйича экин майдонларининг 81,9 фоизини ташкил қилади.

Бу жараён аҳолининг қишлоқ хўжалигида бандлигига жиддий таъсир кўрсатди, 1997–2007 йилларда бандлик 143 минг кишидан 92,9 минг кишигача қисқарди ёки уларнинг умумий бандлар сонисидаги улуши 45,4 дан 37,1 фоизга камайди ёки пасайиш 8,3 бандни ташкил қилди.

**2.3.1 -жадвал. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси
(барча тоифадаги хўжаликларда, минг тн.)⁵**

№	Маҳсулот	1999		2001		2005		2007		2010	
		тн.	%	тн.	%	тн.	%	тн.	%	тн.	%
1.	Дон	314,2	101,6	142,8	45,5	300,9	92,6	229,6	76,1	246,5	107,3
2.	Картошка	30,8	110,7	27,4	90,2	38,3	97,4	56,7	127,5	80,5	141,9
3.	Сабзовот	143,9	99,3	109,8	76,2	181,9	103,4	229,7	125,8	377,6	164,3
4.	Полиз	41,5	91,1	34,4	82,9	44,1	112,8	67,2	152,2	94,4	140,4
5.	Хўл мева	51,5	124,3	49,9	98,0	69,1	111,3	87,9	127,5	118,2	134,4
6.	Узум	11,3	91,7	10,6	93,8	114,3	95,9	19,5	136,4	26,04	135,3
7.	Гўшт (сўйилган вазнда)	51,8	106,1	53,7	105,8	70,7	112,9	79,0	111,3	95,3	120,6
8.	Сут	377,6	107,7	383,8	101,6	468,7	111,7	527,3	112,6	632,2	119,8

⁵ Раджапов. К.Э. Институционал ислоҳотлар шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш (Хоразм вилояти мисолида). и. ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси ва Хоразм вилоят Давлат статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди.

Минтақа АСМ тармоқлари фаолиятини ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини турли нуқтаи назарлардан тадқиқ қилиш, умумий ҳисобда, уни ривожлантириш стратегиясининг асосий мазмунини белгилаб беради. АСМ тармоқларини истиқболли ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган минтақавий хусусиятлар қуйидагилардир:

- қишлоқ хўжалигида сув таъминоти ва сифатининг пасайиши;
- тармоқларни экспортга йўналтиришни уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ҳисобга олиб етарлича ривожлантирилмаганлиги;
- демографик вазият, бу қишлоқ аҳолиси сонининг табиий ўсиши нисбатан юқорилиги, урбанизация суръатларининг пастлиги, меҳнатга лаёқатли гуруҳлар улушининг юқорилиги билан белгиланади;
- минтақада сув сифати ва тупроқ унумдорлигининг ёмонлашуви туфайли экологик кескинликнинг ошиши.

Ер усти сув оқимларининг деярли бутун ҳажми трансчегаравий дарёларда тўплангани ҳамда Марказий Осиёнинг барча давлатлари томонидан фойдаланилиши ҳисобга олинса, мазкур минтақанинг барча мамлакатлари учун сувдан фойдаланиш тизимини мақбуллаштириш долзарб муаммога айланади. Минтақадаги вазият яна шу билан мураккаблашадики, ер усти сув ресурслари деярли тўлиқ ўзлаштирилган. Минтақада сув ресурсларининг асосий истеъмолчиси суғориладиган деҳқончиликдир. Аҳолининг нисбий ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланишига қараб истиқболда сувга бўлган эҳтиёж ортиб боради, бунда албатта худуднинг табиий шароитини ҳисобга олиш керак.


Вилоят тупроқларининг унумдорлик даражасига салбий таъсир килувчи омиллардан энг асосийси воҳанинг гидрогеология шароитидир. Сизот сувларининг табиий оқими кучсиз бўлганлиги ва сунъий сизот сувларини қочириш ҳолати қониқарсиз бўлганлиги сабабли бу ерларда вертикал сув

алмашилиши кучли кечади ва сизот сувларининг ҳамда тупроқ-грунт қопламанинг шўрланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бу ерларни қишлоқ хўжалигида фойдаланишда доим мелиоратив тадбирлар тизимини қўллаш, аввало шўр ювиш ва грунт сувлари сатҳини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади.

Вилоятда грунт сувларининг чуқурлиги ҳар-хил майдонларда, геоморфологик шароитига, рельефга, ўзлаштириш даврига, сув билан таъминланганлигига ва грунт сувларининг оқиб чиқиб кетиш ҳолатига қараб, хилма-хил бўлиб асосан 1-2,5 (3) м атрофида тебраниб туради. Грунт сувларининг минераллашганлик даражаси 0,5-0,9 г/л-дан 15-17 г/л-гача ўзгариб борсада, кўпчилик майдонларда 5 г/л атрофида булади.

Бундай шароитда, қишлоқ хўжалигини самарали ташкил қилишда сув ресурслари билан таъминлаш муаммолари муҳим аҳамият касб этади. 2008 йилда Хоразм вилояти туманлари бўйича сув истеъмол таҳлили шундан далолат берадики, ўртача вилоят бўйича бу кўрсаткич лимитга нисбатан 70% ташкил қилган.


**2.3.1-расм.Хоразм вилоят туманлари бўйича 2008 йилда сув истеъмоли
(лимитга нисбатан,%)**



Шу билан биргаликда, туманлар бўйича бу кўрсаткич қуйидагича гуруҳланади:

- 63-66 фоизгача, Янгиариқ, Шовот, Хива ва Қўшқўпир туманлари;
- 69-72 фоизгача, Питнак, Янгибозор, Хозарасп, Урганч ва Боғот туманлари;
- 76-82 фоизгача, Гурлан ва Хонқа туманлари.

2.3.2 –расм. 2007-2008 йилларда қишлоқ хўжалигига етказиб берилган сувдан фойдаланиш самарадорлиги



Қишлоқ хўжалик ерларининг сифатига берилган маълумотлар таҳлили шунини кўрсатадики яхши ва энг яхши тоифага кирувчи тупроқлар 26,1 фоизни ташкил қилади, 50,1 фоизни ўртача сифатли ерлар, қолган 23,8 фоизини ўртачадан паст ва ёмон ерлар ташкил қилади. Бу ерларда интенсив технологияларни, агротехник ва мелиоратив тадбирларни қўллаш йўли билан унумдорлиги паст ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш мумкин. Вилоятда амалга оширилаётган агротехник ва агромилиоратив тадбирлар қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг мелиоратив ҳолати яхшиланишига хизмат қилмоқда. Лекин, шунга қарамасдан мелиоратив ҳолатини яхшилаш зарур бўлган ерлар майдони,

яъни ўртача шўрланган ерлар 33,9 фоизни ва кучли шўрланган ерлар 15,5 фоизни ташкил қилади. Бундай ерлар ҳамма туманларда учрайди.

Тупроқнинг мелиоратив ҳолати асосан уларнинг механик таркибига боғлиқдир. Ўрта ва енгил қумоқли тупроқларнинг агрофизик хосса ва хусусиятлари мақбул бўлиб, бундай тупроқларда шўр ювиш ишлари оғир ва лойли механик таркибли тупроқларга нисбатан яхши натижа беради. Бу тупроқлар суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 62 фоизини ташкил қилади. Бу кўрсаткич вилоят тупроқларининг мелиоратив ҳолати нисбатан қулайлигини кўрсатади.

Вилоят тупроқларининг унумдорлик даражаси пасайишига шамол эрозияси жараёнлари ҳам кучли таъсир кўрсатади. Айниқса унинг таъсири қумли, қумлоқли ва енгил қумоқли тупроқларда сезиларли бўлади. Вилоятда бундай ерлар майдони суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 19,1 фоизини ташкил қилади. Охирги йилларда ўтказилган тупроқ тадқиқотлари натижалари вилоят суғориладиган тупроқларида органик мода миқдори камайётганлигини кўрсатмоқда. Тупроқда гумуснинг камайиши унинг агрономик ва агрофизик хусусиятлари ёмонлашишига олиб келади. Вилоят суғориладиган тупроқларининг ўртача бонитет бали 53 ни ташкил этади.

Хоразм вилояти суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- мелиоратив тадбирлар мажмуаси;
- агротехник тадбирлар мажмуаси;
- эрозияга қарши тадбирлар мажмуаси.

Бу регионда тупроқнинг шўрланганлиги ва механик таркибига қараб, ҳамма тупроқларда 1500 дан - 8000 м³/га нормада шўр ювиш ишларини ўтказиш тавсия қилинади. Шу билан биргаликда грунт сувларини вегетация даврида 1,5 - 1,8 м, вегетациядан кейинги даврда 2,4 м да ушлаб туришга эришиш зарур.

Грунт сувларини мақбул чуқурликда ушлаб туриш учун коллектор-дренаж тизимлари ҳолати талаб даражасида бўлиши лозим.

Тупроқ, шурланишига қарши курашнинг асосий йўлларида бири далаларни капитал текислаб (планировка), шўр ювиш меъёрлари ва муддатларига қатъий амал қилишдир. Бу зонада гўзани тўлик, ундириб олиш учун шўри ювилмайдиган майдонларда экишдан олдин 1000 дан 1300 м³ миқдорда сув билан суғориш тавсия қилинади. Бу регионда эрозияга қарши тадбирлар жумласига суғориш эгатларини шамол йўлига кундаланг қилиб олиш, ариқ бўйларига дарахтлар экиш, ихота ўрмонларини яратиш ва бошқаларни киритиш мумкин. Ихота ўрмонларини жойлаштиришда шамолнинг интенсив ҳаракат йўналишини ва тупроқларнинг механик таркибини ҳисобга олиш керак.


Шундай қилиб, бозор ислохотларининг минтақавий хусусиятлари кўплаб омиллар билан белгиланади, масалан – вилоятнинг республика иқтисодиётида тутган ижтимоий-иқтисодий ўрни, унинг ихтисослашуви, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбати, алоҳида ҳудудларни табиий-иқтисодий салоҳияти ва ҳ.к. Вилоятнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда туманларда бозор ўзгаришларининг кечиши кўламлари ўртасида узвий боғлиқлик кузатилмоқда. Туманларнинг иқтисодий салоҳияти бўйича табақаланишуви уларнинг иқтисодиёти таркибий тузилмасида ислохотларни чуқурлаштиришга таъсир кўрсатмоқда. Бунда айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ихтисослашган қишлоқ аҳолиси солиштирма улуши кўпроқ бўлган минтақаларда бозор муносабатларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Вилоят агросаноат мажмуасида бозор ислохотларини муваффақиятли амалга ошириш иқтисодий ўсишнинг ҳамда бутун ҳудуд аҳолисининг ҳаёт даражасини ва сифатини оширишнинг муҳим шартидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш субъектларининг фаолияти ўзаро бирига боғланган жараёнлар мажмуасидан иборат бўлиб, улар кўп сонли ва турли-туман омилларнинг бевосита таъсирида бўлади, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тузилмасининг бузилиши эса кутилаётган натижаларда ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичлари бўйича зарар кўриш хавфининг ортишига олиб келади. Бунда омиллар кўпинча ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларига турли йўналишларда таъсир қилади: бир хиллари ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келса, бошқалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади .

Бир вақтнинг ўзида ҳам ички, ҳам ташқи ҳисобланган омилларнинг йиғиндиси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектларининг ўзи томонидан шаклланиши ҳам, ёки уларнинг иштирокида ҳам юзага келиши мумкин. Замонавий шароитларда омиллар комплекси қуйидагиларни ўз ичига олади: меҳнат тақсимооти, ихтисослашув, концентрация, кооперациялаш, интеграциялаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ҳ.к. Бунда инвестициялар ва инновациялар каби омилларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиш жоиз.

Чунончи, ички барқарорликка қишлоқ хўжалиги корхоналарининг шундай ҳолатини киритиш мумкинки, бунда ишлаб чиқаришнинг ҳамда олинган маҳсулотни сотишнинг моддий-буюм, қиймат таркиби ишлаб чиқариш фаолиятининг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш имконини беради. Бу эса корхона барқарор ва самарали ишлаб чиқариш натижаларини белгилайдиган ташқи ва ички омиллардан оқилона фойдалангандагина таъминланади.



3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Республикада фермер хўжалиklarини қўллаб қувватлаш тизими

Республикада мустақилликни қўлга киритганидан бошлаб Юртбошимиз ташаббуси билан узоқни кўзлаб амалга ошириб келинаётган ислохотлар замирида аввало инсон манфаати муҳасам эдики, буни бугун бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигида ҳам кўриб турибмиз. Ўтган давр мобайнида давлат бош ислохотчи тамойилига амал қилинган ҳолда жорий этилаётган ислохот ислохот учун эмас, инсон учун деган мантиқ асосида соҳада тубдан ўзгаришлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёнида давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларга ҳар томонлама кўмак ва имтиёзлар бериб келинмоқда. Жумладан, бугун аграр соҳада етакчи кучга айланган фермер хўжалиklarини молиялаштириш ва кредитлаш, моддий ресурслар етказиб берувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди, уларнинг ўзаро ҳуқуқий, иқтисодий муносабатлари тизими такомиллаштирилди.

Бугунги кунда фермер хўжалиklarини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича асосий йўналишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Биринчи йўналиш, бевосита фермер хўжалиklarини давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича асосий харажатларини молиялаштириш билан боғлиқ. Бунда фермер хўжалиklarининг маҳсулот етиштириш харажатларини, хусусан, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, биологик маҳсулотлар, кимёвий воситалар, техника хизматлари, уруғлик, иш ҳақи ва бошқа хажаратларни молиялаштириш назарда тутилади.

Фермер хўжаликларининг ҳосил етиштиришга кетадиган харажатларини молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан 3 фоизли кредит маблағлари ажратилмоқда.

Шунингдек, давлат эҳтиёжларидан ташқари бошқа маҳсулот турларини, жумладан, мева, узум, сабзавот, полиз, картошка етиштириш, шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш учун ҳам етарли миқдорда кредит ресурслари ажратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, фермер хўжаликларини зарурий айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида қўшимча банк кредитларини жалб қилиш юзасидан Марказий банк ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан қатор тартиб ва низомлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Биринчидан, фермер хўжаликлари агротехник тадбирларни ташкил этишда етарли миқдорда айланма маблағларга эга бўлишига ёрдам бериш мақсадида уларга бошланғич сармояни шакллантириш учун имтиёзли кредитлар беришнинг самарали тизими жорий этилди. Фермер хўжалиги бошланғич сармояни давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг 6 ой ичида олиши мумкин. Бошланғич сармоя учун кредит фермер хўжаликларига 3 йилгача бўлган муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдоригача фоиз тўлашни 12 ойгача кечиктириш ва асосий қарзни кредит олингандан сўнг 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида берилади.

Иккинчидан, агротехник тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўладиган техника воситалари билан таъминлаш мақсадида фермер хўжаликларига техника воситаларини лизинг асосида сотиб олиш тизими яратилди.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини лизинг асосида харид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 7 йил муддат ичида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг фермер хўжаликлари 10 йил муддатда) тўлаши мумкин. Бунда фермер техниканинг 85 фоиз қийматига “Ўзагросуғурта” компанияси билан суғурта шартномасини тузади. Суғурта мукофотлари ҳисоблаш учун суғурта тариф (ставка) миқдори техниканинг 85 фоиз қийматидан бир йилга 0,5 фоизни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари томонидан лизингга олинадиган техникалар сони ҳар йили давлат техника дастурига киритилади.

Иккинчи йўналиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ имтиёзлари берилишидир.

Маълумки, солиққа тортишда солиқ миқдорини ернинг сифатига (балл-бонитети) қараб ҳисоблаш ва бу жараёнга табақалаштирилган равишда ёндашиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу хўжаликларга бир хил иқтисодий шароит яратиб беришни таъминлайди. Аввалги солиққа тортиш тизимида бу масалалар ўз ечимини топмаган эди.

Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш тизимини соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги 1024-сонли қарорига мувофиқ 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизли қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта учун тўланадиган харид нархлари кўтарилди.

Бунда ҳукуматимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек,

- янгидан ташкил этилган пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликлари 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғидан;

- фермер ўзига тегишли лойиҳадаги ерни ўз ҳисобидан ўзлаштирган тақдирда кейинги 5 йил мобайнида мазкур ерлар учун тўланадиган ягона ер солиғидан;

- қишлоқ хўжалиги учун четдан сотиб олинаётган минитехнологиялар қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловларидан;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан чет эл техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари ҳамда чет эл техникалари учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшимча қиймат солиғидан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Агрофирмалар даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган

қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўловидан давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб 3 йил муддатга озод этилган.

Агар таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бизда солиқ тизими ҳар жиҳатдан жумладан, тўловлар соддалаштирилганлиги, айниқса, нисбатан кам солиққа тортилгани билан кўшни давлатлардан ажралиб туради. Учинчи йўналиш, балл-бонитети паст ерларда пахта етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ балл-бонитети паст ерларда фаолият юритувчи фермер хўжаликларига 180 млрд. сўм ҳажмида молиявий ёрдам ажратилди. Бу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлди. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Фермерлар учун яна бир муҳим бўлган масала деҳқончилик қилаётган ерларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган ирригация тизимларини такомиллаштириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашдир. Деҳқончилик қилинаётган ерларда бу масалалар ечимини топмаса, ҳосилдорлик ҳам, фермернинг даромади ҳам камаяди, шунга мос равишда унинг қарзлари ҳам ортиб бораверади.

Тўртинчи йўналиш, мамлакатимизда ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласидир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатларига республика бюджетидан маблағ ажратиш тизими тубдан ўзгартирилди ва натижада молиялаштириш ҳажми йилдан-йилга ортиб

бормоқда. Жумладан, сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатлари учун ажратилаётган маблағлар ҳажми 2009 йилга келиб 1994 йилга нисбатан салкам минг маротаба ошди.

Ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чет эл инвестициялари киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амалга оширилган мелиоратив тадбирлар натижасида 346 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, кучли ва ўрта шўрланган майдонларни 42 минг гектарга камайишига, 127 минг гектар майдонда ер ости сувларини қишлоқ хўжалиги экинлари учун мақбул сатҳларга туширилишига эришилди.

Натижада, ерларнинг унумдорлиги, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошди. Жумладан, пахта ҳосилдорлиги 2003 йилга нисбатан 4,9 ц/га, ғалла ҳосилдорлиги эса 9,5 ц/га кўпайди. Бу тадбирлар, шубҳасиз, фермер хўжаликларида харажатларни камайтириш ва самарадорликни оширишга амалий ёрдам бермоқда, даромадига даромад кўшмоқда.

Ҳозирги пайтда агросаноат мажмуининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш, фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш борасида бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди. Уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш суръати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Биргина шу йилнинг 9 ойида соҳадаги ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 фоизни ташкил этди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар маҳсулотлари тури кенгайиб, рентабелликка эришиб, экспорт салоҳияти ошиб, инвесторлар ва кредит ташкилотлари учун тобора жозибадор бўлиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда фермер хўжалиklarини моддий – техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар йили фермер хўжалиklarини қўллаб – қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайерлашга – 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилди.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган анна шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2008 йилда фермер хўжалиklarининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил килди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжалиklarининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда.

Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжалиklarининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер хўжалиklarини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жихатдан тўсқинлик қилмоқда.

Имконияти, куч – қуввати кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларида аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди.

Ана шу ишлар натижасида фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача кўпайди еки 2,5 баробардан зиёд ошди. Бу кўрсаткич сабзавотчиликда – 10 гектардан 24,7 гектаргача еки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди.

Ҳар йили пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказиш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Масалан, 2011 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун салкам 1,6 трлн. сўм, жумладан, пахта тайёрлашга қарийб 1,2 млрд., ғалла етиштиришга - 400 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди ва республикамизда давлат режаларининг ортиғи билан бажарилишини таъминлади. 2012 йилда ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар миқдори янада оширилиши кўзда тутилмоқда.

Дехқон ва фермер хўжаликларини кредитлашда бўлғуси ҳосилни гаровга олиш схемаси қўлланилаётгани туфайли мулккий таъминоти етишмаётган

хўжаликларнинг кредит олиш имконияти энгиллаштирилди. Қайта ишловчи корхоналарни молиялаштиришда эса кафиллик механизми кенг қўлланилмоқда.

2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида умумий узунлиги 10530 километрдан ошиқроқ хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида 59 млрд. сўмдан ортиқ таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Натижада 1 млн. гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ўзларининг техник базасини янгилашда лизинг хизматларидан унумли фойдаланмоқда. Шу йил ташкил этилган «Агротехэкспо» кўргазма-савдоларида тузилган 28,9 млрд. сўмлик лизинг шартномалари банклар томонидан тўла бажарилди. Натижада минглаб хўжалик ва корхоналар замонавий минитехнологиялар билан таъминланди.

Банклар томонидан бу йил мева-сабзавот етиштириш ва иссиқхона хўжаликлари ташкил этишга қаратилган умумий қиймати 70,1 млрд сўмга тенг лойиҳалар молиялаштирилди. Натижада минглаб гектар майдонларда янги боғлар ва узумзорлар пайдо бўлди 416 та иссиқхона ташкил этилди. Банкларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлайдиган корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янада янгилаш, корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган кредитлари эвазига мамлакатимизда 75 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда фойдаланиладиган иншоотни қуриш ва модернизация қилиш, пировардида мева-сабзавотларни экспорт қилиш ҳажмини ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан 31,6 фоиз ўсишига шароит яратди.

Ҳозирги пайтда банк кредитлари ва инвестициялари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларига жадал кириб бормоқда. Тижорат


банкларининг 11,6 млрд сўм миқдоридаги кредит ресурслари асаричилик ва балиқчиликни ривожлантиришга йўналтирилган. Банкларнинг кредит портфелида қорақўлчилик, чорва моллари наслини яхшилаш, уруғчилик сифатини ошириш кўзда тутилган лойиҳалар ҳам пешма-пеш молиялаштириб борилаётганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Ушбу ресурсларни сафарбар этиш учун тижорат банклари томонидан мазкур соҳаларга жами 188,3 млрд сўм кредит маблағлари йўналтирилган. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг 9 ойида қорамоллар умумий сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мамлакатимиз бўйича 6 фоиз, гўшт ва сут тайёрлаш мос равишда 6,9 ва 7,2 фоиз, тухум етиштириш 15 фоиз ўсишига эришилди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган жами 205 млрд сўм кредит маблағларининг салмоқли қисми қишлоқ хўжалиги техникалари ва асбоб-ускуналар, уруғ ва кўчатлар сотиб олиш, ерлар унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш, ўғит ва ёқилғи материаллари харид қилиш, айланма маблағларни тўлдиришга йўналтирилди.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси” маълумотларига кўра 2003-2011 йиллар оралиғида республикаимизда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган имтиёзли

кредитлар қиймати 2003 йилдаги 309,1 млрд. сўмдан 2011 йилда 1 598,8 млрд. сўмгача ошди.⁶



3.1.1-расм. Республикада 2003-2011 йилларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган имтиёзли кредитлар, млн. сўмда

Тижорат банкларининг фермер хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкалари тижорат кредитлари фоиз ставкаларидан 2-3 баробар паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида Республика Президентининг Фармони билан, фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар томонлама қулайликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент 2012 й.

қишлоқ хўжалиги соҳасида бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланилади:

- янгидан ташкил этилган пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш фермер хўжаликларига 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган;

- фермер лойиҳа асосида ўз ҳисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан чет эл техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари, ҳамда чет эл техникалари учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида ҳарид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига эга бўлдилар. Бунда лизингдан фойдаланганлик учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Аграр соҳада амалга оширилаётган нарх ислоҳоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилган.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги ПФ-3114-сонли фармонида асосан давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хом ашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими

жорий этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизли қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта учун тўланадиган ҳарид нархлари кўтарилди. Шу орқали давлатимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан биргаликда бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг бир мунча юқори эканлигини инобатга олган ҳолда нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжаликларига тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йил давомида фермер хўжаликларига йўналтирилган ижобий фарқ суммаси 403 315,0 млн. сўмни ташкил этди. Бу ҳолат жаҳон бозорида қулай конъюктура вужудга келган йилларда фермер хўжаликларининг барқарор даромад олишлари учун имкониятлар очади.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш амалиётда қўлланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-725-сонли “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда

давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратиш вазифаси белгилаб берилган эди.

Мазкур қарорга мувофиқ балл-бонитети паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар қиймати 2008 йилдаги 60 млрд. сўмдан 2012 йилда эса 160 млрд сўмгача ошди.



3.1.2-расм. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларига давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар қиймати⁷, млрд. сўмда.

Ушбу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлмоқда

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент 2012 й.

Бундан ташқари, сўнгги пайтда банкларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарига киритаётган инвестициялари кўлами ортиб бориши кузатилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида банклар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағлари миқдори 615 млрд сўмдан ошиқроқни ташкил этмоқда.

Мамлакатимиз аграр сиёсати қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ инфраструктурасини барқарор ривожлантириш, яъни қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасини ўзгартириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва самарадорлигини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш фаровонлиги даражасини кўтаришга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, тижорат банкларининг кредит сиёсатида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, уларни қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини енгиллаштириш, қишлоқда инфраструктура объектлари қурилиши, тураржой ҳамда маиший объектлар қурилиши ва ободонлаштирилиши каби йўналишлар асосий ўринни эгалламоқда.

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, соҳадаги ислохотларни, деҳқон ва фермер хўжаликларини фаол қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта таъмирлаш ва янгиларини жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган лойиҳаларни

молиявий ресурслар билан мутаасил таъминлаш чораларини кўриб бораверадилар.

3.2. Жахон молиявий – иқтисодий инқирозининг оқибатларини юмшатиш шароитида қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш вазифалари

Жахон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жахон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат.

Хозирги вақтда бир қатор этакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келмоқда.

Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик қўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жахоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жахон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислох қилиш зарурлигини кўрсатди. Айтиш мумкин бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан этарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.

Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жихатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдэк, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ.

Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини энгиллаштириш кўп жихатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан, муҳтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши вазифаси кўйилган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устивор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурс тежовчи усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобига, экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробарга, картошка етиштиришни 1,4 баробарга, полиз ва узумни 1,3 баробарга кўпайтириш;

- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озиқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизациялаш натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробарга, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробарга ошириш;

- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобига чорва моллари бош сонини 1,3 баробарга, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 мартага ошириш;

- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратилиб, паррандалар бош сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжаликлари ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни -1,7 баробарга, гўшт консерваларини -2,2 баробарга, колбаса маҳсулотларини -1,8 баробарга, сут маҳсулотларини -1,9 баробарга ошириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийиб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобига 1,4 миллион гектар ер майдони мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Республикада озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонларида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган пакана ҳамда яримпакана мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Биргина 2011 йилнинг кузи ва 2012 йилнинг баҳорида жами 7661 гектар майдонга янги мевали боғлар, шундан 2110 гектар ерга майдонга пакана ва

ярим пакана (интенсив боғлар) боғлар барпо этиш, 8518,8 гектар майдондаги боғларни қайта экилиши (реконструкция) белгиланган.

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида бир меъёрда таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совутиш камераларига эга омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011-2015 йилларда 120,8 минг тонна сиғимига эга янги совутиш камераларини қуриш ва 49,1 минг тонна сиғимига эга мавжуд совутиш камераларини модернизациялаш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 % га, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 % га паст бўлиши аниқланган.

Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932 сонли «Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури» ишлаб чиқилган. Дастурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуасини амалга ошириш мўлжалланган:

1. Магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик кудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётик дренажларни тиклаш.

2. Мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш.

3. Сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

3.2.1-жадвал

Республика бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган маблағлар⁸, млрд.сўмда

Тадбирлар номи	Жами 2008-2011 йилларда	шу жумладан:			
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	225,1	22,4	57,3	63,8	81,6
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	222,9	38,6	48,1	59,2	77,0
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	101,9	29,3	25,4	27,2	20,0
Жами	550,0	90,3	130,8	150,2	178,6

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, 2008 йилга бу мақсадлар учун жами 90,3 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2011 йилга келиб бу

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент 2012 й.

кўрсаткич 178,6 млрд. сўмга етди. Ўтган 2008-2011 йиллар оралиғида жами ажратилган маблағлар қиймати 550,0 млрд. сўмни ташкил этди.

2010 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳукуватимизнинг диққат марказида бўлди. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қиймати 561,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги 11 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан, 2010 йилда қиймати 62,25 млн. АҚШ доллари бўлган 9 та, 2011 йилда эса қиймати 112,9 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 11 та инвестицион лойиҳалар асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди. Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2006-2011 йиллар оралиғида шўрланмаган майдонлар ҳажми 2 109 минг гектардан 2 192 минг гектарга кенгайиб, кучли шўрланган майдонлар ҳажми 163 минг гектардан 126 минг гектарга қисқарди. Ер ости сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1,5 метргача бўлган майдонлар ҳажми 2001-2011 йиллар давомида 272 минг гектардан 177 минг гектарга қисқарди.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти ката. Чунки, республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда республикамизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Биргина 2011 йилнинг ўзида 1571 гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 543 гектарга эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш тизими,

753 гектарга кўчма ва эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими жорий этилгани диққатга сазовордир..

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда;

- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда;

- қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Пировард натижада, ерларнинг унумдорлигини, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти беқиёсдир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек, бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилғи сарфлаш меъёрлари замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннари ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурс тежовчи техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади. Жумладан, Германиянинг «Класс» компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

3.2.2-жадвал

2006-2011 йилларда республика бўйича янги сотиб олинган қишлоқ хўжалиги техникалари⁹

Техникалар номи	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2006-2011 йиллар давомида жами
Тракторлар, жами	2211	1652	2231	3007	2671	2124	13896
Хайдов тракторлари	634	164	454	191	378	546	2367
ш.ж.юқори унумли	2	6	6	36	83	297	430
Чопиқ тракторлари	1182	1293	1174	1697	1359	1098	7803
Трактор тиркамалари	368	250	348	1421	691	882	3960
Культиваторлар	503	279	440	1433	633	315	3603
Чигит сеялкалари	352	178	237	215	320	552	1854
Плуглар	130	90	117	244	67	153	801
Дон ўриш комбайнлари:	116	93	332	123	167	245	1076
ш. ж. юқори унумли	55	52	86	110	167	245	715


Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6 йил ичида жами 13896 дона тракторлар, 3960 дона трактор тиркамалари, 3603 дона культиваторлар, 1076 дона дон ўриш комбайнлари ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинган.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент 2012 й.

Қишлоқ хўжалиги модернизациялаш дастурларида ўсимликчилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини модернизациялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сир эмаски, республикамизнинг чорвачилик тармоғи жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлишига қарамай, соҳада ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, чорва молларининг маҳсулдордор ва касалликларга чидамли зотларини етишмаслиги, чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш борасидаги муаммолар шулар жумласидандир.

Республикамиз ҳукуматининг чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш дастурларида асосий эътибор чорва молларининг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, тармоқда сервис хизматини ривожлантириш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш;
- наслчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш;
- тармоқда сервис хизмати, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- чорва молларини юқумли касалликлар муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;
- озуқа экинларини майдонларини кенгайтириш ва оптимал жойлаштириш, бунда лалми ерларда чорва моллари учун озуқа етиштириш кўламини кенгайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.



3.2.1-расм. Республикамизга хорижий мамлакатлардан келтирилган насли қорамоллар сони¹⁰.

Кейинги чорвачилик тараққий этган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, урчитишни ташкил этишга жиддий эътибор берилляпти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2006-2011 йиллар давомида республикамизга хориждан жами 23286 бош насли қорамоллар келтирилган.

Республикамиз ҳукумати томонидан мамлакатимизда чорвачиликнинг паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларини ривожлантириш борасида ҳам мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини барқарор қондиришга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларамиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иктисодиёт тамокларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент 2012 й.

қайта жихозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашуви, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

2009 йили тасдиқланган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида бу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, энг муҳим йўналишлари, конкрет параметрлари ва молиявий манбалари аниқ белгилаб кўйилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бутун бу массаларга батафсил тўхталиб ўтишнинг зарурати бўлмаса керак.

Инкирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инкирознинг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодий ҳалқимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини беради.

Айни пайтда бу дастур инкироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодий ҳалқимизнинг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади.

Қишлоқ хўжалиги тизимида кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш уларга кредит олишда кўмаклашиш, хатто хорижий технологияларни олиш учун инвестициялар жалб қилишни давлат томонидан уюштириш ниҳоятда зарур.

Айниқса, ҳар бир регионнинг маҳаллий, табиий ва иқтисодий шарт шaroитларни урганиш, унинг имкониятларини кадастрлик асосида комплекс баҳолаш ҳозирги кун талаби ҳисобланади.

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа — қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашдан иборатдир.

2009 йили тасдиқланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида бу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, энг муҳим йўналишлари, конкрет параметрлари ва молиявий манбалари аниқ белгилаб қўйилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугун бу масалаларга батафсил тўхталиб ўтишнинг зарурати бўлмаса керак.

Лекин бу устувор йўналиш ва уни амалга ошириш дастури нафақат 2009 йил, балки ўрта муддатли истиқбол учун белгилаб олинганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга, охир-оқибатда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини, онги ва фуқаролик масъулиятини оширишга қаратилган, биз учун ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган ушбу давлат дастурини бажаришга киришар эканмиз, 2009 йилдаги бош вазифамиз уни амалга ошириш бўйича истиқболдаги барча ишларни мустаҳкам ташкилий асосга қўйишдан иборатдир.

Дастурнинг принципал аҳамиятга эга бўлган қуйидаги йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур. Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш принципал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Худудларнинг меъморий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош планлари ишлаб чиқилишини таъминлаш, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор.

Бу вазифаларни бажариш учун махсус "Қишлоқ-қурилиш-лойиҳа" лойиҳа-тадқиқот институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг тўлақонли фаолият бошлашини тезлаштириш, уни юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ва уларнинг олдига аниқ ва равшан вазифалар қўйиш керакки, 2009 йилнинг ўзидаёқ биз янги архитектура бош планлари ва намунавий лойиҳалар бўйича ишлаш имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Табиийки, янги қурилишларни замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма, композицион ва кичик блокли

конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этиш даркор.

Биз қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига — бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари бўладими — ана шундай ва бошқа тузилмаларга эга бўлишимиз керак.

Қишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танкидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканини унутмаслигимиз даркор.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлимларга эга ихтисослашган банк ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, дастурнинг асосий вазифаси — қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Бу борада вазифа кенг миқёсда қўйилмоқда — яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг қўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хом ашё базасини ташкил этиш зарур. Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо

этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ.

Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз авваламбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига эга бўламиз.

Тўртинчидан, 2008—2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чоратadbирлар тизимининг изчил амалга оширилишига — яъни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

3.3. Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкӣ муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар маъсулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупрок унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чоратadbирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тadbирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берувчи навларни жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобига маҳсулдорлигини ошириш. Бунинг учун:

- ❖ чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- ❖ наслчиликни тубдан яхшилаш;
- ❖ тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- ❖ паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- ❖ чорва молларини юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;
- ❖ озуқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражаларига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озуқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

- ❖ кўриқкланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;
- ❖ ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- ❖ ҳудудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

- ❖ давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизими такомиллаштириш;

- ❖ пахта ва ғалладан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизмини такомиллаштириш;

- ❖ қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, насли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технологиялар ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини яна кенгайтириш;

- ❖ қишлоқ жойларига кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

- ❖ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёсатини доимий равишда амалга ошириш;

- ❖ унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириб бориш.

10. Аграр фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

- ❖ атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хом ашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

- ❖ пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;
- ❖ қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;
- ❖ қишлоқ хўжалигида ген инженерияси борасида тўпланган жаҳон тажрибаларидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;
- ❖ экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;
- ❖ хориждан келтирилган насли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, паррандалар, пилла қурти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

Бозор иктисодиёти шароитида вилоят қишлоқ хўжалиги ўзининг меҳнат таксимоти тамойилларига таянган ҳолда ҳамда маҳаллий шароит учун мос ва самарали товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни ташкил қилиниши зарур. Чунки, ана шу вазиятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг марказлашган жамланмаларини шакллантириш имконияти юзага келади. Шунини таъкидлаш жоизки, аввало ушбу маҳсулотларни етиштириш биринчи навбатда мазкур вилоят учун самарали бўлиши мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий аҳолининг мазкур маҳсулотга бўлган талаби, ҳамда мавжуд қайта ишлаш саноати корхоналарининг эса қишлоқ хўжалик хом ашёсига бўлган талаблари ҳам эътиборга олинishi керак. Шу туфайли биринчидан вилоятнинг муайян маҳсулотга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, иккинчидан вилоят корхоналарининг ишлаб чиқариш ва бошқа регионларга экспорт қила олишнинг реал имкониятларини билиш муҳим амалий аҳамият касб қилади.

Кишлоқда бошқарув тизилмаларини қайта ташкил этиш жараёнида бирламчи кишлоқ хужалик бугини қандай булиши кераклиги аниқ маълум булди. Бу – фермер хужаликларини бирлаштирадиган ва уларга хизмат қиладиган, йул-йурик курсатадиган ва моддий-техникавий таъминот, техника, агрокимё хизмати курсатиш масалаларида ёрдам берадиган кооператив булиши лозим.

Фермер хужаликлари кишлоқ хужалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият курсатиши лозим. Улар самарали ишлаши учун эса кенг томир ёйган, яхши хизмат курсатувчи инфраструктура – аgraфирмалар, машина –трактор парклари, таъмирлаш устахоналари, тайёрлов пунктлари, кишлоқ хужалик маҳсулотини қайта ишловчи кичик корхоналар ва шу қабилар мавжуд булиши кераклиги энг муҳим қоида булади.

Кишлоқ хўжалиги тизимида кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини ҳар томонлама қучайтириш уларга кредит олишда қўмақлашиш, ҳатто хорижий технологияларни олиш учун инвестициялар жалб қилишни давлат томонидан уюштириш ниҳоятда зарур.

Ушбу вазифанинг ижобий ҳал этилиши вилоят кишлоқ хўжалигини илмий асосда ташкил этилишини тақозо этади. Бу ўз навбатида мураккаб экологик шароитларда ҳам аҳоли зхтиёжидан ортиқча кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятларини беради. Вилоятнинг бугунги тараккиёт босқичида мавжуд объектив иқтисодий қонуниятларни амалиётга тадбиқ қилиш, хўжалик юритишнинг илғор шаклларини тезлик билан жорий этиш, қанчун ютуқларидан унумли фойдаланиш асосий вазифа бўлмоғи керак.

Вилоят кишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қанчун ашёдан қанчун комплекс фойдаланиш нақадат маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифатини балки миқдорининг ошишига ҳам ёрдам беради.

Вилоят кишлок хўжалигида хар бир туман ва кишлокдаги ер, сув, аҳоли ва бошка ресурслардан фойдаланишнинг 10-15 йил олдинги башоратларини ишлаб чиқариш объектив заруриятга айланиши керак. Шундагина мураккаб экологик шароитда жойлашган вилоятимизнинг истикболдаги тараккиётини тасаввур қиламиз. Мураккаб экологик шароитларга хос ва мос бўлган инфратизилмаларни барпо этиш ҳам кийин вазиятлардан чиқиб кета олишга имкон яратади ва хоказо.

Шуни таъкидлаш керакки фермер хўжаликлари жамоа ва ширкат хўжаликларида хар бир ишловчига тўғри келадиган махсулот ишлаб чиқаришни такослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич бўйича фермер хўжаликларининг устунлигини кўриш мумкин.

Айрим ҳолларда фермерларга ажратилган ер майдонлари юридик жихатдан фермерларга беркитилмасдан бевосита жамоа хўжаликларига қарам бўлиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди.

Фермерларнинг 80 фоизи 5 йил муддатга, қолган қисми 15 йил муддатга ижарага олганлар. Вилоятда фермер хўжаликларнинг экин майдонлари таркибининг 40 фоизи хар хил экинлар етиштиришга, 40 фоизи аралаш хўжалик ва 20 фоизи фермер фақат чорвачиликка ихтисослашган.

Фермер хўжаликлари аксарият ҳолларда бир оила аъзоларидан ташкил топган бўлиб, бир фермер хўжалигига 4-5 киши тўғри келади. Айрим фермер хўжаликлари қўшимча ишчи қучларини ҳам ёллайдилар. Фермерларнинг асосий қисми техника ва бошка воситаларни жамоа ва ширкат хўжаликларидан шартнома асосида ёки ижарага оладилар.

Фермерлар учун кредит тизимлари ишлаб чиқарилганлигига қарамасдан уларнинг банкдан кредит қарз олишларида ҳамон кийинчиликлар учраб

турибди. Кискаси фермер хўжаликлари ҳамон жамоа ва ширкат хўжаликлари фойдаланиб келаётган имтиёزلардан тўлик фойдалана олмаяптилар.

Демак, буларнинг барчаси фермер хўжалиklarини давлат, саноат корхоналари ва жамоа, ширкат хўжаликлари томонидан кўллаб-куватланишини тақозо этади. Энг мухими улар иқтисодий, юридик ва технологик масалаларда юқори малакали мутахассисларнинг маслаҳатларини ҳам олиб туришлари лозим. Фермер хўжалиklarни хар тамонлама куллаб-куватлаш уларнинг иқтисодий, ижтимоий муоаммоларни ечишга ёрдам бериш, оммани озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг асосий гаровидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида вилоят қишлоқ хўжалиги ўзининг меҳнат тақсимоти тамойилларига таянган ҳолда. ҳамда маҳаллий шароит учун мос ва самарали товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни ташкил қилиниши зарур. Чунки, ана шу вазиятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг марказлашган жамланмаларини шакллантириш имконияти юзага келади. Шунини таъкидлаш жоизки, аввало ушбу маҳсулотларни етиштириш биринчи навбатда мазкур вилоят учун самарали бўлиши мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий аҳолининг мазкур маҳсулотга бўлган талаби, ҳамда мавжуд қайта ишлаш саноати корхоналарининг эса қишлоқ хўжалик хом ашёсига бўлган талаблари ҳам эътиборга олиниши керак. Шу туфайли биринчидан вилоятнинг муайян маҳсулотга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, иккинчидан вилоят корхоналарининг ишлаб чиқариш ва бошқа регионларга экспорт қила олишнинг реал имкониятларини билиш муҳим амалий аҳамият касб қилади.

Қишлоқда бошқарув тизилмаларини қайта ташкил этиш жараёнида бирламчи қишлоқ хўжалик бугини қандай бўлиши кераклиги аниқ маълум бўлди. Бу – фермер хўжалиklarини бирлаштирадиган ва уларга хизмат қиладиган, йул-йурик курсатадиган ва моддий-техникавий таъминот, техника,

агрокимё хизмати курсатиш масалаларида ёрдам берадиган кооператив булиши лозим.

Фермер хужаликлари қишлоқ хужалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият курсатиши лозим. Улар самарали ишлаши учун эса кенг томир ёйган, яхши хизмат курсатувчи инфраструктура – аgraфирмалар, машина–трактор парклари, таъмирлаш устахоналари, тайёрлов пунктлари, қишлоқ хужалик махсулотини қайта ишловчи кичик корхоналар ва шу кабилар мавжуд булиши кераклиги энг мухим коида булади.

Қишлоқ хўжалиги тизимида кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини хар томонлама кучайтириш уларга кредит олишда кўмаклашиш, хатто хорижий технологияларни олиш учун инвестициялар жалб килишни давлат томонидан уюштириш ниҳоятда зарур.

Ушбу вазифанинг ижобий хал этилиши вилоят қишлоқ хўжалигини илмий асосда ташкил этилишини такозо этади. Бу ўз навбатида мураккаб экологик шароитларда хам ахоли зхтиёжидан ортикча қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш имкониятларини беради. Вилоятнинг бугунги тараккиёт боскичида мавжуд объектив иктисодий конуниятларни амалиётга тадбик килиш, хўжалик юритишнинг илгор шаклларини тезлик билан жорий этиш, фан ютуқларидан унумли фойдаланиш асосий вазифа бўлмоги керак.

Вилоят қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва хом ашёдан комплекс фойдаланиш нафакат махсулот ишлаб чиқаришнинг сифатини балки миқдорининг ошишига хам ёрдам беради.

Вилоят қишлоқ хўжалигида хар бир туман ва қишлоқдаги ер, сув, ахоли ва бошка ресурслардан фойдаланишнинг 10-15 йил олдинги башоратларини ишлаб чиқариш объектив заруриятга айланиши керак. Шундагина мураккаб экологик шароитда жойлашган вилоятимизнинг

истикболдаги тараккиётини тасаввур киламиз. Мураккаб экологик шароитларга хос ва мос бўлган инфратизилмаларни барпо этиш ҳам кийин вазиятлардан чикиб кета олишга имкон яратади ва хоказо.

Шуни таъкидлаш керакки фермер хўжаликлари жамоа ва ширкат хўжаликларида хар бир ишловчига тўғри келадиган махсулот ишлаб чиқаришни таккослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич бўйича фермер хўжаликларининг устунлигини кўриш мумкин.

Айрим холларда фермерларга ажратилган ер майдонлари юридик жихатдан фермерларга беркитилмасдан бевосита жамоа хўжаликларига қарам бўлиб қолиш холлари ҳам учрайди.

Фермерларнинг 80 фоизи 5 йил муддатга, қолган қисми 15 йил муддатга ижарага олганлар. Вилоятда фермер хўжаликларнинг экин майдонлари таркибининг 40 фоизи хар хил экинлар етиштиришга, 40 фоизи аралаш хўжалик ва 20 фоизи фермер фақат чорвачиликка ихтисослашган.

Фермер хўжаликлари аксарият холларда бир оила аъзоларидан ташкил топган бўлиб, бир фермер хўжалигига 4-5 киши тўғри келади. Айрим фермер хўжаликлари кўшимча ишчи қучларини ҳам ёллайдилар. Фермерларнинг асосий қисми техника ва бошқа воситаларни жамоа ва ширкат хўжаликларидан шартнома асосида ёки ижарага оладилар.

Фермерлар учун кредит тизимлари ишлаб чиқарилганлигига қарамасдан уларнинг банкдан кредит қарз олишларида ҳамон кийинчиликлар учраб турибди. Қисқаси фермер хўжаликлари ҳамон жамоа ва ширкат хўжаликлари фойдаланиб келаётган имтиёزلардан тўлиқ фойдалана олмаптилар.

Демак, буларнинг барчаси фермер хўжаликларини давлат, саноат қорхоналари ва жамоа, ширкат хўжаликлари томонидан қўллаб-қувватланишини тақозо этади. Энг муҳими улар иқтисодий, юридик ва технологик масалаларда юқори малакали мутахассисларнинг маслаҳатларини

хам олиб туришлари лозим. Фермер хўжаликларни хар тамонлама куллаб-куватлаш уларнинг иктисодий, ижтимоий муоаммоларни ечишга ёрдам бериш, оммани озик-овкат махсулотлари билан таъминлашнинг асосий гаровидир.

Биз вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболларини ўрганиш учун туманлардаги боғдорчилик билан шуғулланадиган фермерлар ўртасида анкета сўровномасини ўтказдик.

3.3.1-жадвал

Фермер хўжаликлари раҳбарларининг ёши бўйича қуйидаги жадвал келиб чиқди:

Ёши	30-40	40-50	50-60	60-70	70 ва ундан катталар	жами
Сони	5	7	8	1	0	21
Фоизда	23,8 %	33,3 %	38 %	4,7 %	0%	100%

Бу сўровномани ўтказишда қатнашган фермер хўжаликларининг асосий қисми (71.3%) 40-60 яшар фермерларни ташкил қилди. Сўровномада фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи ёшлар учрамади. 60 ёшдан ошган фермерлар ҳам сўровномада қатнашди (4.7%).

3.3.2-жадвал

Фермерларнинг иш тажрибаси бўйича статистикаси

Кўрсаткич	Йиллар				Жами
	0-5	5-10	10-15	15-20	

Сони	2	12	5	2	21
Фоизда	9,5%	57,1%	23,8%	9,5%	100%

Фермерларнинг иш тажрибаси бўйича таркиби қуйидагиларни ташкил қилди: асосий қисми 5-10 йиллик тажрибага эга бўлган фермерлар экан (57.1%). Шу билан биргаликда 10-15 йиллик тажрибага эга бўлган фермерлар ҳам бўлди (23.8%). Жами фермерларнинг энг кам улушини яқинда фаолитини бошлаган яъни 5 йилгача тажрибага эга бўлган фермерлар (9.5%) ҳамда 15-20 йиллик тажрибага эга бўлган фермерлар (9.5%) ташкил қилди.

3.3.3-жадвал

Фермерларнинг маълумоти бўйича жадвал

Кўрсаткич	Маълумоти			Жами
	Олий	Ўрта	Ўрта махсус	
Сони	11	5	5	21
Фоизда	52,3%	23,8%	23,8%	100%

Фермер хўжаликларининг маълумоти бўйича ҳам сўровномада савол мавжуд эди ва бунда уларнинг олий ва ўрта маълумотли фермерлар эканлиги маълум бўлди, ўрта махсус таълимни тугатган фермерлар учрамади. Олий маълумотли фермерлар (52.3%) ўрта маълумотли фермерлардан бироз кўпроқни ташкил қилди. Ўрта маълумотли фермерларнинг улуши камроқ бўлиб чиқди (47.7%).

3.3.4-жадвал

Фермер хўжаликларининг техника билан таъминланганлик даражаси

	Таъминланганлар	Таъминланмаганлар	Жами

	сони	сони	
Сони	6	15	21
Фоизда	28,5%	71,5%	100%

Техника билан таъминланганлик даражаси бўйича қўйилган саволга сўровномада қатнашган фермерлар хўжалиklarининг асосий қисми техника билан яхши таъминланмаган эканлиги аниқланди (71.5%). Техника билан таъминланган фермер хўжалиklари (28.5%). улардан фойдаланишнинг афзалликларини кўрсатиб ўтдилар: экиш, парвариш қилиш, йиғиб олиш, хосилни ташишда фойдаланилади.

3.3.5-жадвал

Фермер хўжалиklarининг омборхона билан таъминланганлик даражаси

	Таъминланганлар сони	Таъминланмаганлар сони	Жами
Сони	5	16	21
Фоизда	23,8%	76,2%	100%

Фермер хўжалиklarини омборхона билан таъминланганлик даражасини аниқлаганимизда омборхона билан таъминланган фермер хўжалиklари афсуски камроқ бўлиб чиқди (23.8%). Уларнинг асосий қисмини омборхона билан таъминланмаган фермер хўжалиklари ташкил қилди (76.2%).

Омборхона ахамияти. Меваларни сифатли даражада сақлаш ва уни талабга жавоб берадиган холда истеъмолчиларга етказиб беришнинг ўрни катта. Чунки ҳисоб китобларга қараганда Ўзбекистонда етиштириладиган мевалар

сабзаёт ҳосилининг яхши сақланмаганлиги трансферт ташишда 10% нобуд бўлади.

Фермер хўжаликлари маҳсулот сотишда ҳам муаммоларга дуч келмоқда. Чунки ҳозирда аксарият фермерларда маҳсулот етиштириш билан биргаликда уни сотиш муаммосига ҳам рўбаро келмоқда. Чунки фермер хўжаликларда омборхона муаммоси ҳам бор, омборхона бўлганан кейин маҳсулотни иложи борица тезроқ сотиш талаб этилади, шунинг учун фермер хўжаликлари сотишни бошқа чораларини кўриши керак, масалан воситачилик фирмалар ташкил этилиб, улар фермердан маҳсулотларни улгуржи сотиб олиб ўзи бозорга олиб бориб соца мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда фермер маҳсулотини сотиши учун кетадиган вақтини тежайди, ҳаридор қидириш муаммосидан халос бўлади ва олдиндан маҳсулотини қаерда сотиш мумкинлигини билиб режалаштириб кўяди. Воситачилик фирмаларини ташкил этилиши эса янги иш ўринларини яратилишини ва бу билан қишлоқларда юқори даражада бўлган ишсизлик муаммосини ҳал қилишда катта аҳамият касб этади.

Сўровномада қатнашган барча фермерлар ернинг яхши ҳолатда эканлигини айтишган, лекин бу билан ҳамма ернинг унумдорлиги аъло даражада деб бўлмайди, ернинг шўрлиги, етарли ўғитлар билан таъминланмаган, умуман олганда мелиоратив ҳолати яхши бўлмаган ерлар ҳам учрайди. ернинг сифатини яхшилашда алмашлаб экиш муҳим ўрин тутати. Ҳар бир экин майдонига уч йилгача ҳар хил экин экиб бир йил бу майдонга дам бериш керак . Мана шундай ҳолда ер беда, маккажўҳори каби экилган экинлар илдизидан озуқа оладилар. Пахта, шоли, буғдой каби экинлар ернинг кучини тортиб оладилар, шунинг учун бошқа экинлар билан алмаштириб туриш маъқул бўлади: Хоразм шароитида экологик ҳолатнинг танг аҳволда эканлиги ерларнинг сифатига ҳам таъсир кўрсатган. ерлар шўрланган, илгари кўплаб

фойдаланилган химикатлар сабабли захарланиб ифлосланган, шунинг учун ҳам бу ерлардан фойдаланишда ушбу муаммоларга эътибор қаратиш зарур.

Фермер хўжаликларда асосий муаммолардан бири шубҳасиз сув муаммосидир. Биз биламизки сув бўлмаса ҳосил яхши бўлмайди. Биз табиат инъом этган неъматдан унумли фойдаланган ҳолда максимум натижада эришишимиз даркор, яъни сувни тежаб ишлатиш даркор. Қишлоқ хўжалиги табиатга қарам соҳа бўлганлиги учун ёгингарчилик кўп бўлган йилларда сув мўл бўлади. Лекин ҳамма вақт ҳам бундай ҳолат бўлмасдан сув жуда кам бўлган йиллар ҳам кейинги пайтда тез тез учрамоқда. Шунинг учун сувдан тежаб фойдаланишнинг янги технологияларини ўрганиш, ўзлаштириш ва ўзимизда қўллаш зарур бўлади. Айниқса хорижда унумли фойдаланиб келинаётган томчилаб суғориш, кечаси суғориш, қувурлар орқали суғориш (яъни эгатларни йўқотиб) каби усулларан фойдаланиш зарур бўлади. Бизда бир гектар экин майдонида пахта етиштириш учун 14 минг м³ сув сарфланади. Суғоришнинг илғор технологиялари қўлланиладиган Исроилда эса 1 га пахта майдонида пахта етиштириш учун 6 минг м³ сув сарфланади. Демак биздагидан деярли 2,5 баробар кам сув сарфланар экан. Сувдан тежаб фойдаланишда янги технологияларни қўллаш, табиат инжиқликлари туфайли сув кам бўлган йилларида бу муаммони муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун фермерларни қайта ўқитиш тизимини ташкил қилиб, жаҳоннинг фермер хўжаликлари илғор ривожланган мамлакатлари тажрибаси асосида экинларни танлаш, сув ва ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, экинларни парвариш қилиш, йиғилган ҳосилни сақлаш, ташиш ва истеъмолчига етказиш борасида янги услуб ва технологияларга ўргатиш зарур бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилаётган аграр сиёсатнинг моҳияти, вазифалари, асосий йўналишлари, муаммолари ва истиқболларини ўрганиш қуйидаги илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишимизга асос бўлди.

1. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки масала иқтисодиётни тезроқ барқарорлаштириш ҳисобланади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида бозорларни тўғри ташкил қилиш ва аграр сиёсатни тўғри олиб бормасдан иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмаслиги изоҳлаб берилди.

Аграр сиёсат маълум бир мустақилликларга эга ва у фаол тарзда аграр иқтисодиётга таъсир кўрсатиб боради. Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга таъсири одатда икки хил бўлади: у ривожланишни ёки тезлаштиради, ёки секинлаштиради. Аграр сиёсатнинг аграр иқтисодиётга ижобий таъсири илмий асосланган сиёсат эканлиги асослаб берилди.

Аграр иқтисодиёт ва аграр сиёсатнинг ўзаро алоқадорлигини ёки бирининг иккинчисидан айна ҳолатда устунлигини сиёсий ёки хўжалик йўналишидаги масала биринчи қўйилаётганлиги билан ажратиб олиш мумкин. Мамлакат аграр сиёсатини самарали амалга ошириш учун бир қатор қийинчиликлар ҳам мавжудки, уларни эътиборга олмасдан ривожланиш стратегиясини танлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам аграр сиёсатни тўғри танлаш иқтисодий ислохотларнинг самарали бориш гаровидир. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда аграр сиёсатни давлат томонидан тартибга солиб турилиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб берилди;

2. Яратилган ҳуқуқий асос негизида қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий

ислохотларнинг мохияти нихоятда муҳим қуйидаги ҳолатларни шакллантиришга қаратилгандир Ўтиш даврида уларни таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида ер, сув, мулк, ташкилий-таркибий, молия-кредит, солиқ, нарх, инвестиция ҳамда инновация ва бошқа ислохотлар ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилиши аниқлаб берилди.

Қишлоқ хўжалик субъектларининг фаолиятларини ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида тармоқда молия, кредит, солиқ ва баҳолар ислохоти амалга оширилмоқда. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятини ривожлантириш учун аксарият ҳолларда ўзларининг маблағлари етишмасдан қолмоқда. Шунинг билан биргаликда молия-кредит институтларидан берилаётган маблағ талабни қондирадиган даражада эмаслиги кўрсатиб берилди;

3. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг шарт-шароитлари батафсил ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қулай ҳудудида жойлашган. Унинг ҳудудида азалдан инсоният учун нихоятда керакли ҳисобланган турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Чунки бу ҳудудда табиий-иклим шароитлар етарлидир. Жумладан, Республикада йиллик самарали температура 25-35° ни ташкил этиб, қуёшли соат 3000дан ортиқ бўлиб, бир йилда бирнеча марта ҳосил олиш имконини беради. Ўзбекистоннинг жами ер майдони 44.8 млн. гектар бўлиб, шундан 50,8 фоизини турли хилдаги қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ҳамда деҳқон хўжаликлари фойдаланадилар: уларнинг йигиндиси мамлакат қишлоқ хўжалигини ташкил этади. Унинг асосий мақсади тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан мамлакат аҳолисининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришдир. Барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда республика иқтисодиётида банд бўлган меҳнат ресурсларининг 40 фоизга яқини қатнашган.

Лекин республиканинг қишлоқларида жами аҳолининг учдан икки қисми яшашлиги кўрсатиб ўтилди.

Ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар 25 млн. гектарга яқин қишлоқ хужалик ерларидан олинган. Мамлакат деҳқончилиги сугоришга асосланганлиги учун катта миқдордаги сув ресурсларини талаб этади. Лекин бу талаб ички сув ресурслари билан атиги 60 фоизгагина қондирилмоқда. Бундай ҳол Амударё ҳамда Сирдарё хавзаларидан катта миқдордаги сув ресурсларини жалб этишни талаб этиши аниқлаб берилди;

4. Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатини амалга ошириш мақсади ва вазифалари изоҳлаб берилди. Мамлакатимизда аграр сиёсатини амалга ошириш асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

а) Тизимдаги корхоналарни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш, сифат ва нархлар борасида рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш;

б) Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни хорижга сотиш кўламини ошириш, импорт ҳажмини оптималлаштириш;

в) Хорижий инвестицияларни жалб этиш, улардан мақсадли фойдаланиш ва лойиҳалар мониторингини ташкил этиш;

г) Қишлоқ инфратузилма объектлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда фермер хўжаликлари билан таъминотчи, хизмат кўрсатувчи, тайёрлов идоралари ўртасида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан мониторинг юритиш;

д) Сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва сувдан самарали фойдаланиш ҳамда томчилатиб сугориш тизимини ташкил қилиш;

Танланган йўл асосида Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб олинган . Умуман олганда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг қуйидаги икки муҳим стратегик мақсадни амалга ошириш асосида қурилган:

- Пахта толасини етиштиришнинг барқарорлигини таъминлаш.
- Дон ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва дон мустақилликка эришиш кўрсатиб берилди;

6. Хоразм вилояти иқтисодиёти аграр тармоғининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари хусусиятларини кенг тадқиқ қилиш унинг барқарор ривожланишидаги асосий йўналишларини белгилаб олиш имконини беради.

Аграр тармоқда олиб борилаётган ўзгаришларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини баҳолашда ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасида кузатилган ўзгаришларни очиб берувчи кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга. Ислохот йилларида вилоятда картошка ва сабзавотларни етиштириш анча кўпайди. Бу эса хусусий сектор ҳисобига, асосан деҳқон хўжаликлари ер майдонларининг кенгайиши туфайли, шунингдек, томорқалар учун ер участкалари ажратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этиш эвазига эришилди.

Минтақа қишлоқ хўжалиги тармоқлари фаолиятини ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини турли нуқтаи назарлардан тадқиқ қилиш уларни истиқболли ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган минтақавий хусусиятлар қуйидагилардир:

- қишлоқ хўжалигида сув таъминоти ва сифатининг пасайиши;
- тармоқларни экспортга йўналтиришни уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ҳисобга олиб етарлича ривожлантирилмаганлиги;

- демографик вазият, бу қишлоқ аҳолиси сонининг табиий ўсиши нисбатан юқорилиги, урбанизация суръатларининг пастлиги, меҳнатга лаёқатли гуруҳлар улушининг юқорилиги билан белгиланади;

- минтақада сув сифати ва тупроқ унумдорлигининг ёмонлашуви туфайли экологик кескинликнинг ошиши каби муаммолар аниқлаб берилди;

7. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёнида давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларга ҳар томонлама кўмак ва имтиёзлар бериб келинмоқда. Жумладан, бугун аграр соҳада етакчи кучга айланган фермер хўжалиklarини молиялаштириш ва кредитлаш, моддий ресурслар етказиб берувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди, уларнинг ўзаро ҳуқуқий, иқтисодий муносабатлари тизими такомиллаштирилганлиги кўрсатиб берилди.

Фермерлар учун яна бир муҳим бўлган масала деҳқончилик қилаётган ерларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган ирригация тизимларини такомиллаштириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашдир. Деҳқончилик қилинаётган ерларда бу масалалар ечимини топмаса, ҳосилдорлик ҳам, фермернинг даромади ҳам камаяди, шунга мос равишда унинг қарзлари ҳам ортиб бораверади.

Деҳқон ва фермер хўжалиklarини кредитлашда бўлғуси ҳосилни гаровга олиш схемаси қўлланилаётгани туфайли мулккий таъминоти етишмаётган хўжалиklarнинг кредит олиш имконияти енгиллаштирилганлиги аниқланди;

8. Вилоятда қишлоқ хўжалигин истикболда ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш кейинги йилларда юз бераётган жаҳон молиявий инкирозининг бутун Ўзбекистон, ва хусусан вилоят иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар бутунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон

молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат.

9. Бозор иқтисодиёти шароитида вилоят қишлоқ хўжалиги ўзининг меҳнат тақсмоти тамойилларига таянган ҳолда. ҳамда маҳаллий шароит учун мос ва самарали товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни ташкил қилиниши зарур. Чунки, ана шу вазиятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг марказлашган жамланмаларини шакллантириш имконияти юзага келади. Шунинг таъкидлаш жоизки, аввало ушбу маҳсулотларни етиштириш биринчи навбатда мазкур вилоят учун самарали бўлиши мақсадга мувофиқ;

10. Вилоят қишлоқ хўжалигида ҳар бир туман ва қишлоқдаги ер, сув, аҳоли ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг 10-15 йил олдинги башоратларини ишлаб чиқариш объектив заруриятга айланиши керак. Шундагина мураккаб экологик шароитда жойлашган вилоятимизнинг истикболдаги таракқиётини тасаввур қиламиз. Мураккаб экологик шароитларга хос ва мос бўлган инфратизимларни барпо этиш ҳам кийин вазиятлардан чиқиб кета олишга имкон яратиши мумкинлиги кўрсатиб берилди.

14. Вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ўрганиш мақсадида ўтказилган анкета сўровномаси натижаларига кўра фермер хўжаликлари ривожланишида ернинг сифати, сув ресурсларининг камёблиги, техника, ёғ-мой, уруғлик, кимёвий ўғитлар ва зараркунандаларга қарши дорилар, ҳосилни йиғиштиришдаги ишчи кучларини жалб қилишдаги муаммолар кўрсатиб берилди.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрдаги 723-ХП-сон Қонуни билан тасдиқланган. -Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 998.– 49 б.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 5 б.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. Фермер ва деҳқонлар ҳуқуқи алифбоси.– Т.: Мехнат, 2003.– 36 б.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, Расмий нашр. 2002, № 1. 67 б.
- 1.6. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг 25 май 2000 йилдаги 69-П-сон Қонуни.
- 1.7. «Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Табиий монополиялар тўғрисида». 24.04.1997й.,

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар

Маҳкамаси қарорлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

- 2.2.. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
- 2.4.«Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги ПФ-745-сон Фармони.
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сонли «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони.
- 2.6. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619 сонли Фармони [\Солиқ ва божхона хабарлари\ № 26 \(570\), 2005 йил 20 июнь. 2-бет.](#)

Ш. Президент асарлари ва маърузалари

- 3.1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
- 3.2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислон Каримовнинг

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
- 3.3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
- 3.4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 3.5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
- 3.6. Президент И. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси
Халқ сўзи, 2011 йил 17 февраль
- 3.7. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга

хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011.

- 3.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги ““2012 йил ватантмиз тараққиётининг янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент 2012 й.

4. Илмий адабиётлар

- 4.1. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: 2004, 304 б.
- 4.2. Ғаниев М. Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатлари. Т.: . Жамият ва бошқарув №4. 2003.
- 4.3. Кулиев Т. Пахта толаси: экспортга таъсир этувчи омиллар. Т.: Жамият ва бошқарув. №1. 2003.
- 4.4. Кушакаев Б. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида инвестициянинг аҳамияти. Т.: . Бозор, пул ва кредит. №5. 2004.
- 4.5. Қутлиқов М. Дехқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. Т.:Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2003. №4. 50 б.
- 4.6. О. Олимжонов, Т. Фармонов, С. Сирожиддинов, М Косимов, И Рафиқов. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий молиявий асослари – Т.: Уневирситет, 2005.
- 4.7. Ҳолиқов Б. Тупроқ унумдорлиги. – Тошкент: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2004. № 1. – Б. 17–18.
- 4.8. Ҳусанов Р.Ҳ., Қосимов М. Дехқон хўжалигини юрителишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: 2000, 102 б.

- 4.9 Хусанов Р. Ислоҳотларнинг илмий асослари. – Т.: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2003. №1. 17–18 б.
- 4.10. Хусаинов Ж. Фермер хўжаликларида ҳосилдорлик ва рентабеллик. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2002. № 3. 14 б.
- 4.11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000 – 2011 йиллар бўйича статистик маълумотлари.
- 4.12. Хоразм вилояти статистика бошқармасининг 2000 – 2011 йиллардаги маълумотлари.
- 4.13. Мэнкью Г.Н. Макроэкономика. - Москва.: МГУ, 1994. – 724 с.
- 4.14. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. - Т.: ДЖҚА, 2001.141 б.
- 4.15. Насритдинова М.А., Ахмедов О.М. Бизнес стратегияси. - Тошкент.: Шарқ. 1996.73-бет.
- 4.16. Салаев С.К. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида кичик ва ўрта бизнес: муаммолар, таҳлиллар ва истиқболлар. -Тошкент.: Фан, 2002. – 128 б.
- 4.17. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг амалий асослари. - Тошкент.: ТИТП, OSCE, 2004. - 12-17 бетлар.
- 4.18. Тихомиров В.П., Хорошилов А.В. Введение в информационный бизнес. - М.: Финансы и статистика, 1996. – 240 с.
- 4.19. Philips J. Little Business in American Economy. Urbana, 1958.
- 4.20. Файзуллаев А. Инсон, бошқарув, сиёсат. - Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. - 44-45 бетлар.
- 4.21. Хачатрян С.Р., Пинегина М.В., Буянов В.П. Методы и модели решения экономических задач. – Москва.: Экзамен, 2005. – 334 с.
- 4.22. Ҳакимова М. Макроиқтисодиёт. -Тошкент.: Меҳнат, 1997. - 227 б.
- 4.23. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: Шарқ, 2006. – 386 б.

- 4.24. Шумпетер Й. Теория экономического развития. - Москва.: 1982.– 159 с.
- 4.25. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси.- Тошкент.: Молия. 2002. – 103 б.
- 4.26. Шадиев Т.Ш. и др. Эконометрика. – Т.: Шарк. – 1999. – с.240.
- 4.27. Чепурина М.Н., Киселева Е.А. Курс экономической теории. - Киров.: АСА, 2004. – с. 74-77.
- 4.28. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб.- Тошкент.: Меҳнат, 2000. – 283 б.
- 4.29. Ходиев Б.Ю., Сарсатская Т.И. Электронная коммерция. - Т.: ТГЭУ, 2003. – 57 с.

5. Диссертация ва авторефератлар

- 5.1. Ваҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва уни такроран ҳосил бўлиши.: иқт.фан.док. дисс....автореф. Тошкент.: ЎзМУ. 2001.- 39 б.
- 5.2. Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: иқт.фан.док....дисс. Тошкент:ЎзМУ. 2004. - 276 б.
- 5.3. Меҳмонова Д.Д. Минтақаларда ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантириш омиллари ва улардан самарали фойдаланиш.: иқт.фан. ном. ... дисс.автореф. - Т: ТДТУ. 2006. – 24 б.
- 5.4. Матлатигов Г.Р. Автоматизированная система извлечения знаний для поиска закономерностей по экспериментальным данным: Дисс. ... канд. техн. наук. Ташкент. УзНУ. 2002. – 21 с.
- 5.5. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорини шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш (Самарқанд вилояти мисолида): иқт.фан.док.дис.автореф. - Тошкент.: ТДИУ. 1998. – 46 б.

- 5.6. Худайбердиев З.Р. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги ва унга кичик ҳамда хусусий тадбир-корликнинг таъсири.: иқт.фан.ном.... дис. автореф. Тошкент. 1996. -22 б
- 5.7. Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. ...док. экон. наук. Т. 1988. –380 с.
- 5.8. Раджапов. К.Э. Институционал ислохотлар шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш (Хоразм вилояти мисолида). и. ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. Тошкент 2009.

6.Статистик маълумотлар, тўпламлар ва ҳисоботлар

- 6.1. Ўзбекистон иқтисодиёти.\\Таҳлилий шарҳ.СИСМ.Тошкент.1999-2006 йй.
\\ www.ceep.uz
- 6.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари

7. Журнал ва газеталар, конференция материаллари

- 7.1. Владимирова И.Г. Слияния и поглощения компаний: характеристика современной волны // Менеджмент в России и за рубежом. – Москва. 2002. - №1. - С. 26-41.
- 7.2. Машарипов О., Салаев С. Ахборот бизнеси - иқтисодиёт таянчи // Иқтисод ва ҳисобот. – Тошкент, 1997. - № 4. – Б.26-29.
- 7.3. Намозов О. Молиявий асимметриянинг ўтиш иқтисодиётига таъсири // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2000. - № 10. – Б.5-6.
- 7.4. Салаев С.К., Сатторов С.А. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги: муаммолар ва истиқболлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент. 2003. - № 8. – Б. 16-17.

- 7.5. Салаев С.К. Йирик бизнеснинг кучли ва заиф томонлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент. 2004. - № 5-6. – Б. 35-36.
- 7.6. Салаев С.К. Касаначилик фаолиятини рағбатлантириш // Жамият ва бошқарув. – Тошкент. 2007. - № 2. – Б. 43.
- 7.7. Ўлмасов А. Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш // Экономика и класс собственников. – Тошкент. 2002. - №3. – Б. 34-38.

8.Интернет тармоғи веб-сайтлари ва манзиллари:

- 8.1. <http://www.ceep.uz> «Ўзбекистон иқтисодиёти» таҳлилий шарҳ
- 8.2. <http://www.tseu.uz> ТДИУ сайти
- 8.3. <http://www.vopreco.ru> . «Вопросы Экономики» журнали
- 8.4. <http://www.jsae@cemi.rssi.ru> . «Общество и экономика» журнали
- 8.5. <http://vopstat@mtv-net.ru>.«Вопросы статистики» журнали
- 8.6. <http://worldbank.org> Жахон банки
- 8.7. <http://www.antimon.uz> Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси
- 8.8. <http://www.iet.ru> Ўтиш даври иқтисодиёти институти
- 8.9. <http://www.inme.ru> Иқтисодиётнинг миллий модели институти